



Маҳалла

ЧОРШАНБА

2014 йил 5 ноябрь,
№92-93 (1060)

www.mahallagz.uz info@mahallagz.uz

Самарали жамоатчилик бошқарувининг ноёб институти

2014 йил 6 — 17 октябрь кунлари Европанинг Германия, Франция, Буюк Британия ва Бельгия каби етакчи мамлакатларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари — фуқаролик жамиятини мустақамлашнинг муҳим механизми» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Ташқи ишлар вазири, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ва «Маҳалла» фонди томонидан ташкил этилган ушбу тадбирларда хорижий мамлакатларнинг парламент аъзолари, давлат ҳокимияти органлари, илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртли ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Бўлиб ўтган учрашуларда Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги тажрибаси маҳалла институтининг ривожланиши мисолида кўриб чиқилди. Тадбирлар чоғида мазкур институтнинг илмий-тадқиқот марказлари, олий ўқув юртли ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар. Давра суҳбатлари доирасида «Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва ҳозирги кун» деб номланган хужжатли фильм намойиш қилинди ҳамда тадбир катнашчилари «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» номли китобнинг мазмун-моҳияти билан танишдилар. Маҳалла институтининг ривожига оид маълумотларни ўз ичига олган мультимедия материаллари хорижий экспертларнинг эътиборига ҳавола қилинди. Европалик олимлар, давлат арбоблари ва экспертлар маҳалла институтининг самарали фаолиятини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш бўйича мамлакатимиз тажрибасини ўрганиш зарур эканини алоҳида қайд этдилар.

Жамиятда барқарорликни, миллатлараро ҳамда динлараро ҳамжихатликни сақлаш ва мустақамлашда маҳалла муҳим аҳамият касб этиши хорижий экспертлар томонидан ҳам таъкидланди. Ҳазор фуқаро алмашувлар пайтида давра суҳбатларининг асосий иштирокчилари таъкидлашганидек, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар умум эътироф этилган демократик

ратик қадриятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилмоқда, бу эса миллати ва этникидан қатъи назар, барча фуқароларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш ва ривожланиш имкониятини кафолатлайди.

Давра суҳбатлари доирасида «Ўзбекистонда маҳалла институти: тарихий тажриба ва ҳозирги кун» деб номланган хужжатли фильм намойиш қилинди ҳамда тадбир катнашчилари «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» номли китобнинг мазмун-моҳияти билан танишдилар. Маҳалла институтининг ривожига оид маълумотларни ўз ичига олган мультимедия материаллари хорижий экспертларнинг эътиборига ҳавола қилинди. Европалик олимлар, давлат арбоблари ва экспертлар маҳалла институтининг самарали фаолиятини таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратиш бўйича мамлакатимиз тажрибасини ўрганиш зарур эканини алоҳида қайд этдилар.

Жумладан, **Франция Миллий Ассамблеяси депутати, Миллий Ассамблеядаги «Франция — Ўзбекистон» дўстлик гуруҳи раисининг ўринбосари Т.Мариани** кўйидаги фикрларни билдирди: «Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов раҳбарлигида ушбу мамлакатда маҳалла институтини ҳар томонлама ривожлантириш учун зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

> [2]

Янги руҳ: Кенгаш — яқин кўмакчи



Истиқболли ғоя ва лойиҳалар қўллаб-қувватланади

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан ташкил этилган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Худудий Кенгашлар маҳаллаларнинг жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрнини янада мустақамлашга хизмат қилаётди.

Расул КАМОН «Mahalla»

Кенгаш фуқаролар йиғинлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, уларга қонун ҳужжатлари асосида иш юритиш, маҳаллаларга

илгор иш тажрибалар, истиқболли ғоя ва лойиҳаларини амалга оширишда кўмаклашиш, ҳудуддаги давлат, нодавлат нотижорат ташкилотлар, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, мавжуд

муаммо ҳамда камчиликларни бартараф этишда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

— Кенгаш низомида соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини мониторинг қилиш, улар фаолиятини ўрганиш ҳамда такомиллаштириш вазифалари белгиланган, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бошқаруви раиси ўринбосари, Худудий Кенгаш масъул котиби Бахтиёр Кодиров. — Ўтган давр мобайнида Кенгаш аъзолари то-

монидан маҳаллаларда ижро интизомини, ҳужжатлар билан ишлаш, фуқаролар муносабатлари, ижтимоий нафақалар тайинлаш борасидаги ишлар ўрганилди. Йўл қўйилган камчилик ва муаммолар юзасидан зарур таъсиялар берилди, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Ўрганиш жараёнида ҳар бир шаҳар ва туманда намунали маҳаллалар шакллантирилиб, адабиёт ва ўқув кўлланмалари билан таъминланди.

> [3]

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШИ

Дахлдорлик туйғуси — устувор вазифалар ижросининг муҳим омили



Пойтахтимизда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқарувининг 9 ойлик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди

Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш,

йил бошида ишлаб чиқилган дастур ва режаларда белгиланган устувор йўналишлар ижросини сифатли ҳамда изчил таъминлашга эътибор қаратиш бугунги кунда ҳар бир мутасадди олдига

> [2]

ЎЗБЕКИСТОН — УЛУФ АЛЛОМАЛАР ЮРТИ

Буюк ватандошимизга юксак эҳтиром

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, IX-XI асрлар Ватанимиз тарихида олтин аср, Шарқ ренессанси, дея эътироф этилади.

Зейнисо ҲАЙИТОВА «Mahalla»

Мазкур даврнинг жаҳон тамаддуни тарихига муҳрлангани ва ўчмас из қолдиришида ватандошларимиз — Ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий сингари улўф мутафаккирларнинг илму фан тараққиёти йўлида кўрсатган хизматлари бениҳоя улкан экани қалбимизда чексиз фахр-ифтихор туйғуларини уйғотади. Айниқса, табобат илмининг султони бўлиши Абу Али ибн Синонинг тиббиёт хазинасига қўшган бекиёс ҳиссаси соҳанинг жаҳон миқёсида ривожланишига асос бўлди.

Бухоронинг Афсона қишлоғида, зиёлилар оиласида та-



валлуд топан ватандошимиз Абу Абдуллох Нотилий устозлигида фалсафани, Ҳасан ибн Нух ал-Қумрийдан тиббиёт илмини қўн билан ўрганади ва ўн олти ёшдаёқ табиб сифа-

тида танилади. Унинг кейинги фаолияти ва изланишлари Бухоро амири Нух ибн Мансур даврида янада юксакликка кўтарилади. Бетоб қолган амирнинг дардига шифо топан ёш табиб бутун ўрта ва Яқин Шарқ оламидаги энг катта ва бой кутубхоналардан саналган сарой кутубхонасида табобат, кимё, фалсафа, ботаника, ҳатто мусиқага тегишли адабиётлар билан танишиб, билим доирасини кенгайтиради. 999 йилда Бухородаги нотинчлик, ўзаро тахт талашилар Ибн Синонинг Хоразмга кетиб, Маъмун академиясида ижод қилишга ундайди. У ерда буюк қомусий олим Абу Райҳон Беруний билан қатор фанлар юзасидан мунозаралар, тадқиқотлар олиб бориб, ўн йил мобайнида илмий изланишларини давом эттиради.

> [7]

САЙЛОВ — 2014

Хорижий давлатларда сайлов участкалари ташкил этилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Унда хорижий давлатларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалалари

кўриб чиқилди. Мажлиси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка биноан сайлов участкалари асосий мезон — сайловчиларга барча қулайликлар яратиш

инобатга олинган ҳолда ташкил этилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазириликнинг тақдимномасига мувофиқ мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазириликнинг Ўзбекистон Республикасининг хори-

жий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, парламент сайлови бўйича 44 та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-Темир-йўлчилар сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, сайловчилар учун зарур шароитлар яратишни таъ-

минлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисида парламент, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни холисона ва ҳар томонлама ёритишни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида маҳаллий ҳамда хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқил-

ди. Марказий сайлов комиссиясига тегишли тартибда муносабат қилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Мажлисида Марказий сайлов комиссиясининг ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

■ Ў.А.

> [3]

Миллий иқтисодий ўсиш суръатлари жаҳон рейтингда

Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси «Бизнесни юритиш 2015: самарадорлик доирасидан чиқиб» (Doing Business 2015: Going Beyond Efficiency) номли навбатдаги йиллик маърузасини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистонда ҳисобот даврида энг сезиларли даражада яхшилانган соҳа солиқ тизмини бўлиб, мамлакатимиз бу кўрсаткич бўйича рейтингда ўтган йилга нисбатан 61 поғона юқорига кўтарилган.

Н. АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.

Бу мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳоли реал даромадлари ўсишига кўмаклашадиган, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга асос бўлиб хизмат қиладиган кенг кўламли солиқ ислохотлари амалга оширилгани натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ахборот хизматидан маълум қилишларича, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда солиқ ставкаларини босқичма-босқич пасайтириш устувор йўналиш этиб белгилангани алоҳида аҳамият касб этди. Солиқ юки 1991 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 41,2 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йиллар давомида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган оқилона солиқ сиёсати натижасида ҳозирги кунда бу кўрсаткич қарий икки баробар камайди. Яъни, солиқ ставкаларининг оптималлаштирилиши ва мураккаб бўлмаган солиққа тортиш тартибининг жорий этилиши натижасида бу кўрсаткич 20,8 фоизни ташкил қилмоқда.

> [3]

МАҲАЛЛАДА ҲИСОБОТ

Эртанги кунга ишонч мустақам ва кафолатли

«Ислохот ислохот учун эмас, инсон ва унинг манфаатлари учун». Истиқлол йилларида мамлакатимизда ана шу таъминлаш асосида фуқаролар турмуш шароитини яхшилаш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш борасида таҳсинга сазовор ишлар амалга оширилди. Шунга муносиб равишда юртдошларимизнинг дунёқароши, ҳаётга муносабати ўзгарди, яхши яшашга интилиши кучайди.



Холбиби САФАРОВА «Mahalla»

Яқинда Қонимех тумани ҳокими Саъдулла Истамов тумандаги Чордара ҳамда Янгибод қишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолига хуш худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида ҳисобот берар экан, шу жиҳатларга эътибор қаратди.

Ҳоким ҳисобот давомида ҳудудда сервис ва хизматлар соҳасини ривожлантириш, шу жумладан, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш бевоқиф кичик бизнес субъектлари ҳисобига тўғри келганини таъкидлади. Демак, бу йўналишдаги ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

> [3]



Самарали жамоатчилик бошқарувининг ноёб институти

< [1]

Маҳалла жамятдаги замонавий талаблар ва ўзбек халқининг азалий анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, ижтимоий муносабатларни сақлаб қолишга имкон берадиган ўзига хос тизим соҳибланади. Ўзбекистоннинг бу соҳадаги тажрибаси Франция учун катта қизиқиш уйғотаётганининг сабаби шундаки, маҳалла тимсолида халқнинг асрий анъаналари ва замонавий ҳаёти уйғун равишда бир-бирини тўлдирлади. Ҳозирги пайтда жаҳон миқёсидаги глобallasуш шароитида фуқароларнинг сай-ҳаракатлари, энг аввало, бирдамлик риш-тасини сақлаб қолтириш имкониятларини қидиришга йўналтирилган. Шу нуктаи назардан қараганда, маҳалла аҳоли учун муҳим ҳаётий масалаларни ҳал этишга қодир бўлган ноёб институт ҳисобланади.

Европарламент депутаты (Германия), Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголия билан ҳамкорлик бўйича делегация аъзоси И.Эртуг куйидаги фикр-мулоҳазаларни баён қилди: «Ўзбекистон қисқа давр мобайнида иқтисодий, сиёсий ва демократик тараққиёт борасида мислсиз натижаларга эришишга муваффақ бўлди. Айнан маҳалла институти туфайли бу мамлакатда аҳолининг ижтимоий ва иқтисодий турмуш тарзи билан боғлиқ бўлган ва айна пайтда ижтимоий аҳамиятга молик қадриятларга ҳурмат, миллатлараро ва динлараро бағрикенглик ҳамда ўзаро этник муносабатлар таъминланиб, инсоннинг жамят олдидаги мажбурияти ва масъулияти сўзсиз ба-жарилишини кафолатлайдиган ўзига хос таъминчилар шаклланиб, бу шакллар қолмоқда. Буларнинг барчаси ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро ишончининг юксак даражада экани фуқаролик жамяти шаклланишининг зарур шарт ҳисобланади. Маҳалла тажрибаси кўпгина мамлакатлар учун жуда фойдали бўлиб, ўзини ўзи бошқарининг бундай идорасини шакллантириш халқлар ва давлатлар ўртасидаги мулоқот учун яна бир кулай ҳамкорлик йўналиши бўлиши мумкин».

Бельгия маъмурий фанлар халқаро институтининг бош директори Р.Лоретаннинг фикрича, «мамлакатда миллат ва этник ҳодидан қатиб назар, барча фуқаролар учун бирдек ва кулай шароитларни яратиш борасидаги Ўзбекистоннинг тажрибаси Европа илмий-тадқиқот доираларини борган сари ўзига жалб этмоқда». У Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тутган ўрни ва тизимида амалга оширилаётган ишларга юқори баҳо берди.

«Жанубий Осиё демократик форуми» тахлил марказининг ижроси директори П.Касака Ўзбекистонда барча миллатлар ва диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатларда мувозанат яратилганини қайд этди. Жамятнинг асоси сифатида маҳалла фуқароларнинг қадрият ва анъаналарини ҳисобга олади, шунингдек, уларнинг уйғун ривожланишига қўмақлашади. Экспертнинг фикрича, бу таъминчи турли миллат ва конфессиялар ўртасида бағрикенглик муносабатларининг ўрнатилиши нуктаи назардан бошқа мамлакатлар учун фойдали бўлади.

Европа халқаро муносабатлар институтининг геосиёсий тадқиқотлар бўйича директори П.Э.Томан куйидаги фикрларни таъкидлаб ўтди: «Ўзбекистон мустақиллиги кўлга киритганидан сўнг давлат ва жамят қурилиши соҳасида туб ислохотларни амалга оширди. Мен мустақилликнинг илк даврларида Ўзбекистоннинг ўзи учун танлаган тараққиёт стратегиясининг нақадар тўғри ва барқарор эканига, давлатнинг бош ислохотчи этиб белгиланганига қўйил қолдим. Бугун мамлакат кучли давлат ҳокимиятидан кучли фуқаролик жамятига ўтиш бўйича янги мақсадларни ўз олдида қўймоқдаки, бу жарафанда маҳалла муҳим аҳамият касб этмоқда».

Европа парламент депутаты (Италия), Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголия билан ҳамкорлик бўйича делегация аъзоси Х.Дорфман ўз чиқишида қайд этганидек, «Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида демократик давлат ва фуқаролик жамятини қуришни таъминлайдиган барқарор ва жадал ривожланган тизим яратилди. Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон тараққиётида янги босқични бошлаб берди.

Маҳалла фуқаролик жамяти институти ва унинг ривожланиш механизмларидан бири сифатида қатор муҳим ижтимоий вазибаларни ҳам бажаради. Улар ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлайди ҳамда барқарорлигини таъминлашга қўмақлашади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими соғлом фуқаролик жамятини шакллантириш ва демократлаштириш учун шароит яратмоқда. Маҳалла замонавий жамятда анъанавий фуқаролик институтлари учун

ўзига хос модел сифатида ўзини намойён этмоқда.

Ўтказилган тадбирлар Ўзбекистоннинг қандай ривожланаётганини ҳамда маҳалланинг бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий тизимнинг барқарор ва изчил фаолият қилишига қай тарзда қўмақлашиши мумкинлигини яхши англаш имконини берди».

Европа халқаро муносабатлар институтининг президенти И.Семинаторнинг фикрича, «Маҳалла институти жамятда маънавий-ахлоқий қадриятлар, соғлом ҳаёт тарзи фалсафасининг мустаҳкамланишида, ёш авлодни тарбиялашда, жойларда таълим-тарбия, аҳоли бандлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш масалаларида муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон тажрибаси унда маҳалланинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамятининг бошқа институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш орқали реал ижтимоий шерикликнинг намойён бўлиши билан долзарб аҳамиятга эга».

Янги технологиялар ва инновацияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни қўллаб-қувватлаш бўйича Бранденбург институтининг президенти Э.Клюзе: «Маҳалла институти хорижий эксперт-тахлил доиралари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Чунки инсонлар ўртасидаги очиқ мулоқот ва жамоатчилик назоратининг йўқлиги турли ижтимоий муаммоларни юзга келтириши мумкин. Шу маънода, маҳаллани ривожлантириш бўйича Ўзбекистон тажрибасини жамят ва давлатнинг барқарор тараққиёт этишининг ноёб воситаси сифатида эътироф этиш мумкин».

Руминиянинг Европа муниципалитетлари ва минтақалари Кенгашидаги вакили С.Унгуреану-Либиту ўз чиқишида Ўзбекистонда ҳар бир йил нафақат давлат ҳокимияти, балки жамоат ташкилотларининг ҳам эътиборини талаб қилаётган алоҳида масалага бағишланишига катта эътибор қаратди. У бундай ёндашув ишлаб чиқилган аниқ режалар доирасида муайян йўналиш бўйича долзарб масалаларни ҳал этиш учун барча ресурсларни йўналтириш имконини беришини қайд этди.

Европа парламенти депутаты (Латвия), Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголия билан ҳамкорлик бўйича делегация раиси И.Григуле: «Маҳалла оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни тарбиялаш, оилавий масалаларни ҳал қилишда алоҳида ўрин тутди. У аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан энг адолатли, халқ ишончини қозонган восита ва механизм ҳисобланади». Депутатнинг фикрича, оилалардаги вазиятни, уларнинг моддий ҳолатини, маънавий ва маданий қизиқишлар доирасини маҳалладак яхши биладиган тизим йўқ.

Европа парламенти депутаты (Польша), Марказий Осиё мамлакатлари ва Монголия билан ҳамкорлик бўйича делегация аъзоси А.Гирекнинг фикрига кўра, «Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган сиёсат шу жиҳатдан ҳам эътиборга моликки, бу борада касб-ҳунар ўқув муассасаларининг ташкил этилиши ушбу сиёсатнинг муҳим элементи ҳисобланади. Мамлакат раҳбарияти томонидан белгилаб олинган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамяти сари» стратегиясининг оқилоналигини алоҳида қайд этиш жоиздир. Мазкур стратегиянинг ҳаётга татбиқ этилишида ўзини ўзи бошқариш органлари алоҳида ўрин эгаллайди ҳамда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда амалий восита, Ўзбекистон тараққиётининг муҳим элементи ҳисобланади».

Сорбонна Париж IV университетининг профессори Ж.А. Дюпра:

— Ўзбек халқи мустақил ривожланиш йиллари давомида демократик тараққиёт йўлида эришган ютуқлари билан фахрланса арзийди. Ўзбекистон Республикасининг давлат ҳокимияти органларининг бир қатор ваколатларини маҳалла институтига бериш бўйича тажрибаси катта қизиқиш уйғотади ва юксак баҳога сазовордир. Бу борада фуқаролик жамятининг анъанавий институтлари давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш юзасидан реал имкониятларга эгадир.

Франциялик дипломат, Франциянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси Ж.К. Ришар қайд этганидек, «Мустақиллик йилларида ҳаётнинг барча соҳаларида туб ислохотларни амалга оширган Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамятини қуриш стратегик вазиба ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролик жамяти ривожланишидаги ўрнига бағишланган тақдиротлар Франция парламенти вакиллари ҳамда экспертларда катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон, ҳеч шубҳасиз, жамятининг ўзини ўзи ташкил этиши юзасидан ўрнатқ бўлса арзиғулик намунани кўрсатмоқда».

БОШҚАРУВ ЙИГИЛИШИ

Дахлдорлик туйғуси — устувор вазибалар ижросининг муҳим омили

< [1]

— Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш мақсадида, — дея сўзида давом этди А.Аҳмедов, — жойларда 135 марта семинар ҳамда 30 мингга яқин тарғибот тадбири ташкил этилди. Шунингдек, муҳтарам Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида», «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарлари ҳамда қатор маърузаларда белгилаб берилган мақсад ва вазибаларни фуқаролар ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида маҳаллаларда 22 мингдан зиёд учрашу ва давра суҳбатлари уюштирилди.

Эзгулик йўлида амалга оширилган ишлар бесамар кетмаслиги айни ҳақиқат. Шу боис фуқаролар йиғинларида Президентимиз Ислам Каримовнинг асарларини ўрганишга бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар натижасида ёшлар мустақиллик, бугунги тинч ва осуда ҳаёт ўз-ўзидан юзага келиб қолмаганини англаб етмоқдалар. Натижада улар Ватанга муҳаббат, истиқлол гоғларига садоқат руҳидат камол топиб, юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшамокдалар.

Ҳуқуқий маданияти юксак, замон билан ҳамнафас киши асло диний экстремизм, миссионерлик ҳамда ақидапарастларнинг пуч даъволари, ёлғон ваъдаларига учмайди. Чунончи, жорий йилнинг 9 ойи давомида Фонд кўмагида маҳаллаларда ўтказилган 33 мингдан зиёд тадбир маънавиятимизга ёт иллатлар аянчилик оқибатларга олиб келиши муқаррарлигини аниқ мисоллар орқали аҳоли, айниқса, ёшларга тушунтириш имконини берди.

Шунингдек, ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»-ги ва «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»-ги қонунлари мазмун-моҳиятини ёшларга тушунарли тарзда етказиб бериш бўйича ташкил этилган 35 мингдан зиёд тарғибот тадбирида Фонд бўлим ва бўлинмалари томонидан фуқаролар йиғинларига ҳам услубий, ҳам амалий жиҳатдан қўмақлашилди.

Фуқаролар, хусусан, ёшларнинг турли ёт гоғлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун уларнинг соғлом фикрли бўлиб улғайиши қанчалик муҳим бўлса, фойдали меҳнат билан бандлиги ҳам шунчалик зарурдир. Шу боис «Соғлом бола йили» Давлат дастурида аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Ушбу устувор вазибадан келиб чиқиб маҳаллаларда банд бўлмаган аҳоли ва ёшларни аниқлаб, уларни меҳнатга жалб этиш мақсадида жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 34 мингдан ортиқ маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари ташкил этилишига бевосита қўмақлашилди. Натижада 112 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилиб, 39 минг нафардан зиёд хотин-қиз ҳамда 34 мингдан ортиқ ёшнинг бандлиги таъминланди. Бу йилдан-йилга, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш концепциясида белгиланганидек, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айланиб бораётганининг амалдаги яққол ифодасидир.

— Ўзгаларга яхшилиқ қилиш халқимизга хос фазилатлардан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наъний вилоти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Аҳдодаларимиз азалдан эъзолазган ва бугун ҳам ҳар бир юртдошимизнинг эзгу аъмолига айланган меҳр-мурувват, саховат



тадбирлари туфайли меҳрга муштоқ фуқароларнинг кўнгли тоғдек кўтариляпти. Уларнинг яхши ашага интилиши кучайиб, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланмоқда. Ҳисобот даврида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоқ қатламларига манзилли мурувват ёрдамлари кўрсатиш мақсадида 9 мингга яқин тадбир ва учрашувлар ташкил этилди. Шу даврда Фонд томонидан 65 минг нафардан зиёд фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди.

Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларидаги 5 минг нафарга яқин фуқаро ва тарбияланувчи, шунингдек, эҳтижманд оилалар, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ноғиронларга «Маҳалла муруввати» масъулият чекланган жамяти томонидан ишлаб чиқарилган кийим-бошлар ҳадаи этилди. Маҳаллаларда, айниқса, чекка қишлоқларда истиқомат қилаётган ёлғиз қариялар, ноғирон ва муҳтоқ фуқароларни реабилитация воситалари билан таъминлаш мақсадида худудий бўлим ва бўлинмалар томонидан 184 нафар ноғиронга махсус аравача, 84 нафарига кўлтиктаёқ, 70 нафарига эшитиш мосламаси, 58 нафарига ҳасса, 34 нафарига протез ортопедия маҳсулотлари олиб берилди.

Бундай хайрли ишлар сирасига сўнгги йилларда юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, аҳдодаларимиз мангу кўним топан масканлар, табаррук қадамжолар билан кам таъминланган оилалар аъзолари, ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларини таништириш тадбирларини ҳам қўлиши мумкин. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида фуқаролар йиғинлари таъсисига биноан 2485 нафар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар вакиллари, нуронийларнинг юртимизнинг диққатга сазовор жойлари, маданият ва истироҳат боғларига саяхатлари уюштирилди.

Шунингдек, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва эҳтижманд оила фарзандларининг 44 минг 784 нафари Ватанимизнинг ўтмиши, бугунги ва келажигидан сўзловчи музейлар, ботаника боғлари, маданият ва истироҳат боғларига ташрифлари ташкил этилди. Уттиз етти минг нафарга яқин фуқаро Хива, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қўқон, Марғилон, Термиз, Шахрисабз, Қарши шаҳарларини томоша қилди.

Тўй — миллат маънавиятининг кўзгусидир. Шу боис Фонд кўмагида маҳаллаларда олиб борилган 10 мингдан зиёд маънавий-маърифий тадбир-

ларда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, Яраштириш комиссияси аъзолари, имом-хатиблар, отинийлар ҳамкорлигида тўй ҳамда маъракалари дабадасиз ўтказиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

Ижтимоий муҳофазага муҳтоқ 230 та ёш оиланинг никоҳ ҳамда 200 нафар кам таъминланган оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилишида Фонд томонидан нафақат қўмақлашилди, балки тадбирларнинг ихчам ва тартибли ўтилишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

— Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, баркамол авлодни шакллантириш Соғлом бола йилида ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этган, — деди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилоти бўлими бошқаруви раиси Ҳожимурод Эрматов. — Шу боис ушбу мақсадда ҳисобот даврида маҳаллаларда 50 мингдан зиёд учрашу ва давра суҳбат ташкил этилди. Тадбирларда жами 1,2 миллион нафарга яқин аҳолининг иштироки таъминланди.

Буюк келажакни фақат жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлод кура олади. Шунинг учун ҳар йили ёз фаслида кам таъминланган оилаларнинг ўқувчи-фарзандларини оромгоҳларда бепул соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Жорий йилда ҳам ушбу анъана давом эттирилиб, 20 минг нафардан зиёд кам таъминланган оила фарзандлари оромгоҳларга жалб этилди.

Бугун маҳаллалар эътиборидан четда қолаётган масала деярли йўқ. Буни йиғинлар қошида ташкил этилган асосий йўналишлар бўйича комиссиялар Низомидаги вазибалар ҳам тасдиқлаб турибди. Шу билан бирга, ёшларда юксак маънавий фазилатлар, шу жумладан, катталарга ҳурмат, ёшларга гамхўрлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик, Ватани ва халқига садоқат туйғуларини шакллантириш бўйича маҳаллаларда 3 мингга яқин семинар ва тренинглар ташкил этилди. Жорий йилда 800 га яқин маҳаллада «Оталар мактаби», «Оналар мактаби» ҳамда етук олим, психолог, ёзувчи, шоир, дин арбоблари иштирокида «Маънавият эҳсони» мавзусида суҳбатлар ташкил этилди.

Бошқарув йиғилишида ёшларнинг буш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида анъанавий ўтказиб келинаётган «Футболлимиз келажак» республика мусобақаси 8402 та фуқаролар йиғинида ўтказилгани алоҳида таъкидланди. Турнирда 1,1 миллион нафарга яқин ёш жалб этилган юртимизда ушбу спорт турининг истиқболли прорқ эканидан далолат бериб турибди.

Бугун юртимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилаётган ёшлар сафи кенгаётгани бево-сита маҳаллаларда ўтказилаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаларига боғлиқ. Жорий йилда ушбу турнирда қатнашган 151 минг нафардан зиёд ўғил-қиз орасидан, албатта, келгусида Ватанимиз байрогининг жаҳон ареналарида мағрур ҳилпирашига замин яратадиган спортчилик чиқади.

Авалло, ҳар бир ёшнинг спорт билан ошно тутинишида фуқаролар йиғинларида ўтказиб келинаётган «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақалари муҳим аҳамият касб

этади. Жорий йилда 8327 та маҳаллада ташкил этилган ушбу мусобақага 57 мингга яқин оила жалб этилди.

Юртимизда саломатлик элчиси — спортнинг бир неча тури билан маҳалла ёшлари мунтазам шугуланмоқда. Айни пайтда 757 минг нафарга яқин бола спортнинг 20 дан ортиқ турига, 161 та йўналиш бўйича тўғаракларга жалб этилган.

Юрт равнақиға муносиб ҳисса бўлиб қўшилаётган эзгу ишларни амалга оширишда фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси ҳар жиҳатдан мустаҳкам бўлиши зарур. Шу боис ҳисобот даврида 873 та фуқаролар йиғини компьютер жамланмаси, 920 таси янги мебель жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, 175 та фуқаролар йиғини биноси реконструкция қилиниб, 19 таси янгида қуриildi. 173 та болалар майдончалари қайта таъмирланди, 152 таси янгида қуриildi.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2014 йилга мўлжалланган Иш режасида белгиланган тадбирларнинг ижросини таъминлаш мақсадида жами 11 миллиард 465 миллион сўм Фонд маблағи сарфланди.

Ошкоралик руҳида ўтган йиғилишда айрим худудий бўлим ва бўлинмалар томонидан ихро интизомни, қуйи тузилмалар томонидан ҳужжатлар ижроси устидан мониторингнинг амалга ошириш, фуқаролар муурожаатларини кўриб чиқиш, йиғинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида хато ва камчиликларга йўл қўйилгани танқид остига олинди. Уларни бартраф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Бошқарув йиғилиши кун тартибиданги бошқа масалалар юзасидан Фонднинг вилотлар бўлимининг раисларининг ҳисоботлари тингланди.

Йиғилишда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ҳамда Вазилар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги 2014 йилда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари» Дастурида белгиланган устувор вазибалар ижросини ўз вақтида ва сифатли бажариши, Фонд Иш режасига риоя қилиш, Фонднинг худудий бўлим ҳамда бўлинмаларида хат-ҳужжатлар билан ишлаш, фуқароларнинг ёзма ва оғзак муурожаатларини кўриши қонунчилик меъёрига қатъий амал қилиш, тизимда ихро интизомини янада мустаҳкамлаш, фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатиш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга қўмақлашиш, маҳаллаларга тизимга оид зарур адабиёт ва қўлланмаларни ўз вақтида етказиб бериш каби устувор вазибалар ижросига эътибор қаратилди.

Шунингдек, бошқарув йиғилишида жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилот, туман ва шаҳар Кенгашиларига сайловларни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, демократик тамойилларга асосланган ҳолда юқори савияда ўтказилишига қўмақлашиш таъкидланди.

Қизгин мунозараларга бой, ишчан ва танқидий руҳда ўтган бошқарув йиғилиши якунида тегишли қарорлар қабул қилинди.



МАҲАЛЛАДА ҲИСБОТ

ТАҚҚОС ВА ТАЖРИБА

Эртанги кунга ишонч мустаҳкам ва кафолатли

< [1]

Жорий йилнинг иккинчи чорагида тумандаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига вилоят ва туман банклари томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ кредит маблағлари йўналтирилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, уларга ўз бизнесини йўлга қўйишида қўмаклашиш мақсадида жами 42 нафар касб-хунар коллежи битирувчисига 165,9 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди.

Албатта, маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ўсиши аҳоли бандлигини таъминлайди. Жорий йилда туманда жами 2425 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Сааноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришда ҳам муайян ишлар бажарилди. Хусусан, белгиланган чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, «Суннатилла Ширин» хусусий фирмаси томонидан йиллик қуввати 8 тоннага тенг, лойиҳа қиймати 50 миллион сўмлик нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган, «Хайдар авлод» хусусий фирмаси томонидан йиллик қуввати 5 тонна, лойиҳа қиймати 30 миллион сўмлик ҳамда «Конимех Алгоритм» хусусий фирмаси томонидан лойиҳа қиймати 110 миллион сўмлик полиграфия маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган цехлар ишга туширилди. Шунингдек, қиймати 2,3 миллиард сўмлик 17 та лойиҳани амалга ошириш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Тумандаги «Бирлик», «Дўстлик», «Наврўз», «Караката», «Саржал», «Юксалиш», «Тўқизтепа», «Гулистон» ҳамда «Шўртепа» маҳалла фуқаролар йиғинларида жами 25 та лойиҳа асосида 419 миллион сўмлик курилиш-монтаж ва ускуналарни ўрнатиш ишлари бажарилди. Натижада 35 та янги иш ўрни очилди. Бундан ташқари, саргарошхона, компьютер хизматлари, тикувчилик цехи ва савдо шохобчалари ҳамда гў-

заллик салонларини ўз ичига олган йирик савдо мажмуаси фаолияти йўлга қўйилди ва 12 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси доимий иш билан таъминланди.

Туман ҳокими амалга оширилган ишлар билан бирга келгусидаги режалар хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, «Гулистон» маҳалласи ҳудудида «Қизилқумцемент» ОАЖ ҳимийлигида 200 ўринга мўлжалланган болалар оромгоҳи қуриш ишлари бошланганидан аҳоли мамнун бўлди.

Беш юз миллион сўмдан ортиқ маблағ эвазига қурилаётган оромгоҳ ётоқхона, дарсхона, спорт мажмуаси, оимборхонани ўз ичига олади. Қурилиш якунланганидан сўнг гулистонликлар учун савдо дўконлари, аҳолига сервис хизмат кўрсатувчи қатор объектлар — маҳалла гузари барпо этилади. Бу ишлар ҳудуд ободлигини таъминлаш билан бирга, конимехлик, жумладан, Чордара ҳамда Янгибод қишлоқ фуқаролар йиғинларида улғаяётган болаҳонларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ифодасидир.

Туман ҳокимининг ҳисоботи мамлакатимизда амал қилинаётган демократия тамойиллари ифодасидир, — дейди Янгибод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Норматон Ортиқов. — Йиғинимиз туман марказидан 30 километр узоқда жойлашган. Ҳудудимизда табиий газ етиб бормаган маҳаллалар бор. Учрашувда аҳоли томонидан қиш мавсумида баллонли газ билан таъминлаш масаласида таклифлар ўртага ташланди. Шунингдек, очиқ мулоқотда аҳоли туман раҳбарига ичимлик суви таъминоти ҳамда бандлик масалалари бўйича ҳам муражаат қилди.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролар муражаатлари асосида тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарларига топшириқлар берилиб, уларнинг ижроси назоратга олингани аҳолининг эртанги кунга ишончини оширмоқда.



«ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ»

Мурожаатга вақтида жавоб тайин

Фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида қаноатлантириш ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятининг муҳим шартларидан саналади. Аҳолидан тушаётган ариза ва шикоятларга давлат органлари, жамоат ташкилотлари, хусусан, фуқаролар йиғинлари томонидан ўз вақтида жавоб қайтарилаётгани бунинг тасдиғидир.

■ Ашуралӣ БОЙМУРОД «Mahalla»

Жойларда ташкил қилинган «Жамоатчилик қабулхонаси»нинг самарали фаолият юритишида, аввало, фуқаролар йиғинлари қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзолари зиммасига катта масъулият юкланади.

«Жамоатчилик қабулхоналари»нинг фаолиятини ўрганиб чиқиш мақсади-

да Тошкент вилояти Бекобод туманидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолияти билан қизикдик.

Гулистон қишлоғидаги «Илгор» маҳалласи ўзига хос салохиятга эга масканлардан. Маҳаллада икки ярим минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Мутасаддилар фуқароларни қабул қилиш бўйича аниқ режа ва дастур асосида иш олиб бормоқда.

Маҳаллада ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхонаси»га ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, хотин-

қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари таклиф этилиб, муаммолар ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Айниқса, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия фаолиятини жонлантиришда профилактика инспекторларининг иштироки муҳим аҳамият касб этаётди.

— Фуқароларнинг ариза ва шикоятларини ўз вақтида ўрганиб, уларни жойида ҳал этишимиз, — дейди маҳалла раиси Дилшод Шерматов. — Муҳими, аҳолининг ҳуқуқий савдо-хонлиги ошмоқда. Уларнинг мурожаатларини қаноатлантиришда қабулхона қўл келаяпти.

Тумандаги Жумабозор қишлоқ фуқаролар йиғини таркибидagi «Бунёдкор» маҳалласида «Жамоатчилик қа-

Минжия ая Паттаева узоқ йиллар халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб, эл хизматига бўлди. Кексайган чочи касаллик бонс тўшакча миҳланиб қолган меҳнат фахрийсини фарзандлари, шогирдлари, қўни-қўшни, қариндош-уруғлари ёлғизлатиб қўймайди.



■ Илҳом РАҲМАТОВ «Mahalla»

Чунончи, М.Паттаева ҳар байрам арафасида маҳалла фаолларининг ҳол-аҳвол сўраб келишини ўзгача қувонч билан кутиб олади. Айниқса, фуқаролар йиғинининг Ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси аъзолари ташрифидан кўнгли тоғдек кўтарилади.

— Аяни байрамлар арафасида йўқлашдан чарчамаймиз, — дейди Наманган шаҳридаги «Исоқ чўян» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Одижон Охунов. — Маҳалламизда Минжия ая каби меҳнат фахрийлари, нурунийлар, беморлар алоҳида эътиборда. Шунингдек, йил бошида ҳудуддаги барча хонадонларнинг аҳолини чуқур ўрганиб, эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар рўйхатини шакллантирдик. Шу асосда 100 га яқин оилага доимий кўмак бериб келмоқдамиз.

Бола парварини бўйича нафақани ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш, тўлашда комис-

сия қарори муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳар бир оиланинг аҳоли атрофида ўрганилиб, унинг имкониятлари, шароитлари батафсил таҳлил қилинади. Шундан сўнг лозим топилганларга нафақа ва моддий ёрдам ажратилади. Ҳозир маҳаллада бола парварини учун нафақа олаётган 63 та оиланинг барчаси ана шу босқичдан ўтган.

Комиссия таркиби 9 кишидан иборат бўлиб, улар ҳудудда обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор фуқаролардир. Унинг фаолиятига йиғин раиси бошчилик қилади. Комиссиянинг доимий йиғилишларида боқувчисини йўқотган, ўзгалар парваршига муҳтож, якка-ёлғиз фуқароларга ҳимийлик ёрдам кўрсатиш, уларни ижтимоий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маиший шарт-шароитларини яхшилаш масаласи атрофида муҳокама этилиб, ижобий ечим топилмоқда.

— Комиссия аъзолари оилавий шароит билан яқиндан танишган, бир бош қорамол олиб беришди, — дейди Янгиарик кўчасида яшовчи М.Раҳма-

тулаева. — Очиғи, турмуш ўртоғимнинг вафотидан сўнг бироз қийналиб қолгандик. Қорамолни парваршилаб, яшигини даромад топдик. Натижада рўзгорни бутлаб, моддий ҳолатимизни тиклаб олдик.

Бу каби ташаккур изҳорларини кўшни Сўфизода номидаги маҳаллада ҳам эшитдик. Йиғин раиси Абдулла Жаъфархўжаевнинг таъкидлашича, жорий йилда рўйхатга олинган 42 та кам таъминланган, эҳтиёжманд оила меҳмурувватдан бенасиб эмас. Хусусан, комиссия қарори билан 6 та ночор оилага моддий ёрдам пули ажратилаётган бўлса, 24 нафар нуруний, ўзгалар парваршига муҳтож, бемор ҳамда кексаларга комиссия аъзолари, маҳаллий тадбиркорлар ҳамда кўча бошлиқлари бириктирилган.

— Яқинда комиссия аъзолари ва ҳимийлар билан Тўрақўрган кўчасида яшовчи биринчи гуруҳ ногирони Обидхон ота Бойхонунинг хонадонларига ташриф буюрдик, — дейди йиғин раиси А.Жаъфархўжаев. — Бу эътибордан отахон беҳад хурсанд бўлди. Шунингдек, меҳнат фахрийси Инсофали Мирзараймов, Мария Бутенкони ҳам йўқладик. Комиссия ташаббуси билан маҳалламизда нурунийларнинг ибратли ҳаёт йўлини ёшларга ўрнак қилиб кўрсатиш баробарида улар ҳолидан доимо хабардор бўлиб туриш анъанасига айланган.

Йиғиннинг Ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси аъзолари ёлғиз яшовчи Озода Казакбаевани оталиққа олишган. Улар онахоннинг хонадонини саранжом-саршишта сақлаш, таъмирлашдан тортиб рўзгори бутлигича ғамхўрлик кўрсатишмоқда. Бундан ташқари, янги ўқув йили бошланишида 30 нафар кам таъминланган оила фарзандига кийим-бош, ўқув қуроллари совға қилинди. Сўфизода номидаги маҳаллада хайрли ишлар ҳақида яна ўнлаб мисоллар келтириши мумкин.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Наманган шаҳридаги ёнма-ён жойлашган ҳар икки маҳаллада фуқаролар йиғинларининг Ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича комиссияси аъзолари томонидан ҳалқимизга хос бағрикенглик, саховатпешалик, меҳр-оқибат каби эзгу қиллиқлар улуғланмоқда. Муҳими, уларни амалга оширишда комиссия фуқаролар йиғини билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатган.

ЯНГИ РУКН: КЕНГАШ — ЯҚИН КЎМАКЧИ

Истиқболли ғоя ва лойиҳалар кўллаб-қувватланади

< [1]

Худудий Кенгаш томонидан ҳар бир фуқаролар йиғини ва унинг фаолиятини қамраб олган иш режалари тузилган. Бунда ҳудудлардаги ижтимоий, иқтисодий ҳолат, аҳолининг турмуш тарзи, имкониятлари инобатга олинди. Биргина Кува туманида аҳолини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш, оилалар даромадларини ошириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида 519 та кичик корхона, 253 та оилавий тадбиркорлик, 790 та касаначилик асосида янги иш ўрни яратилишида Кенгашнинг хизмати бекиёс.

Фарғона вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига кўра, жорий йил охирига қадар вилоят бўйича 3078 та оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш белгиланган.

Маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда Кенгаш аъзолари фаолларнинг яқин кўмакчисига айланган. Ёшлар ўртасида спортни оммавийлаштириш, ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида ўтказиб келинаётган «Футболимиз келажак» анъанавий турнирида Бағдод туманидаги «Самарқанд» маҳалласи ёшлари республика ғолиблигини кўлга киритди. Шунингдек, туманда «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласимиз» мусобақа ҳам юқори савияда ўтди.

Худудий Кенгаш фаолияти фуқаролар йиғинларининг моддий-техник жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини шакллантириш, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашда ҳам яққол намоён бўляпти.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Сўх туманида 2 та, Риштон, Кўштепа, Кува, Ўзбекистон туманларида 1 тадан янги маҳалла фуқаролар йиғинлари бинолари барпо этилди. Йиғин гузарларини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадида 141 миллион 800 миң сўмдан зиёд маблағ сарфланди. 130 та фуқаролар йиғини мебель жиҳозлари, 35 та компьютер жамланмалари билан таъминланди.

Мухтасар айтганда, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Худудий Кенгашлар фуқаролар йиғинларининг бошқа равнақ топши ҳамда маҳалла фаолларининг билим, малака ва маҳоратларини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди.

Маҳалланинг саховатпеша «Юсуф ота», «Истиклол», «Обод Хуршидабону» сингари фермер хўжалиқларининг ҳиммати, ҳимийлик ёрдамларидан эҳтиёжманд хонадон соҳибларини мамнун.

Ҳа, маҳаллаларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхонаси» томонидан фуқароларнинг мурожаатларига вақтида жавоб қайтарилаётгани юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳар нарсадан устун эkanлигини исботлаётди.

Миллий иқтисодий ўсиш суръатлари жаҳон рейтингига

< [1]

Кўплаб мамлакатларда корхона ва муассасалар фойдасидан олинадиган солиқ ставкаси ўртача 12,5-39,5 фоизни ташкил этаётган бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1995-2014 йиллар мобайнида 38 фоиздан 8 фоизга тушгани иқтисодийиетимиздаги сифат ўзгаришларига эришилганининг яққол ифодасидир.

Солиқ ставкаларининг оптималлаштирилгани давлат бюджетини даромадлари таркибида ҳам муҳим сифат ўзгаришларига олиб келмоқда. Корхоналар фойдасидан олинадиган солиқлар улушининг босқичма-босқич пасайтирилиши ва ресурсларга солинаётган солиқлар улушининг оширилиши шулардан энг муҳимидир. Бу ҳолат сармовий фаолиятнинг фаолашиши учун қулай шарт-шароит яратиши билан бирга табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни рағбатлантираётди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим қадам бўлди. Мазкур фармон асосида бугунги кун талабларига мос келмайдиган лицензия ва рўхсат бериш тартиби, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботлари

кескин қисқартирилди. Жумладан, 2012 йил июль ойидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан доимий равишда талаб қилиб келинаётган эллик турдаги ҳисобот, 2012 йил 1 августдан рўхсат беришга оид 80 тартиб-таомил бекор қилинди. Шу билан бирга, айрим ҳисобот шакллари бирлаштирилди.


Президентиимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг эркинлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтарди. Хусусан, солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлайдиган, ишлаб чиқаришни барқарор ўсиш суръатлари ва рентабеллигини таъминловчи кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ текширувидан ўтказишга қўлланилган мораторийнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг қулай шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини мустақамламоқда. Бунинг натижаси иқтисодийиетимиз барқарорлигида яққол ўз ифодасини топаётди.

ИСЛОҲОТЛАР — ИНСОН МАНФААТЛАРИ УЧУН

Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланмоқда

Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, тадбиркорликни кўллаб-қувватлашга қаратилган устувор йўналишлар иқтисодийиетимиз соҳалар ва тармоқларида янада изчил ривожлантирилмоқда.



■ ОБИДИН МАҲМУДОВ.

Бу борада яқинда Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тўққиз ой якунларига бағишланб ўтказилган йилгилишида ҳам таъкидланди. Хусусан, 2014 йилнинг январь-сентябрь ойларида хизмат кўрсатиш соҳасида ўсиш суръати 114,7 фоизга етказилди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича тўққиз ой мобайнида жами 10676 та лойиҳа қабул қилинди. Шундан 5 миңдан ортиғи савдо, 3 миңгадан ортиғи маиший хизмат йўналишларига тўри келди.

Мазкур соҳани ривожлантириш тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳамда тижорат банкларининг молиявий кўллаб-қувватлаши орқали амалга оширилганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ҳисобот даврида биргина «Микрокредитбанк» тижорат банки томонидан 30 млрд. сўмдан ортиқ кредит маблағлари мазкур соҳага йўналтирилди.

Энг юқори ўсиш суръатлари молиявий хизматлар 133,6 фоиз, алоқа ва ахборотлаштириш 123,7, маиший хизмат 120, кўрсатиш соҳаси хизматлари 117, 8, туризм хизмати 116,9 фоиз ҳамда бошқа турдаги хизматларда юқори кўрсаткичларга эришилди.

Туб ўзгаришлар, асосан, қишлоқ жойларда, аҳоли да-

ромадларининг ортиши, янги уй-жойлар қурилиши ҳамда ободонлаштириш, аҳоли турмуш тарзининг юксалиши ҳисобига амалга оширилмоқда. Бундан кўринадики, хизмат кўрсатиш соҳасидаги жадал ўсиш суръатлари қишлоқ жойларнинг ривожлантирилиши билан бевосита боғлиқ. Бу борада ҳисобот даврида қишлоқ жойларда кўрсатилган умумий хизматлар 12637,2 млрд. сўм ёки 116,0 фоиз ўсишни ташкил этди.

Шу билан бирга, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури ижросининг бир ярим йил ичида бажарилган ишлар натижаларининг таҳлили ҳам эътиборга молик. Масалан, қишлоқ жойларда туризм хизматини кўрсатиш ҳиссаси умумий туристик хизматларда 18,4 фоиздан 31,9 фоизга ёки 13,5 фоизга ўсган. Шунингдек, қишлоқ хўжалиғи техникаларини туза тиш ва уларга хизмат кўрсатиш 6,6 фоизга, тиббий хизмат кўрсатиш 3,7 фоизга, компьютер хизматлари 3,6 фоизга ортган.

Хулоса, кўрсатилаётган хизматларнинг аҳоли истеъмол талабларининг ошиши ҳисобига олинган ҳолда кенгайтирилиши ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг изчил ривожланишига қаратилган эътибор туфайли бу борада сифат ўзгаришлари буй кўрсатмоқда.



КЕЛАЖАККА САРМОЯ

Кенг рағбат — улкан муваффақият омили

Юртимизда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг тадбиркорлик ва ишбилармонлик қўлини мустаҳкамлаш ҳамда бизнес соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўлмали тадбирлар ўз самарасини бераётир.

■ **Ашуралӣ БОЙМУРОД**
«Mahalla»

Тошкент вилояти Оққўрғон туманида бу борадаги саёй-харажатлар натижасида худуд иқтисодийти юксалиб, аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланмоқда.

— Жорий йилда туманимиздаги 5 та касб-хунар коллежлари 1470 нафар ўғил-қиз битирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси раиси Ботир Холиқов. — Худудимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда битирувчиларни ишга жойлаштирдик. Улардан 33 нафари тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган бўлса, 26 нафар ёш ўз бизнес лойиҳасини муваффақиятли ҳимоя қилиб банкнинг имтиёзли кредитига эга бўлди.

Шохруҳия қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Хосилдор» маҳалласидан Соҳиба Абдумалиқова банкнинг 30 млн. сўмлик имтиёзли кредит маблағи эвазига тикувчилик ҳисобини очди. Натижада 8 нафар

тенгдошини ишли қилди. — Айни пайтда корхонамизда иш қизгин, — дейди ёш тадбиркор. — Кредит маблағига харид қилинган 10 та замонавий тикув машинаси ёрдамида буюртма асосида махсус иш ҳамда спорт кийимларини тикяпмиз. Маҳсулотларимиз сифати, ҳамёнбоплиги билан харидорлар эътиборини тортмоқда. Келгусида яна 40 млн. сўмлик имтиёзли сармоя асосида цехнинг ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириб, болалар кийимлари, паркўра ва ёстиқлар тикишни режалаштиряпмиз. Мақсадим амалга ошса, яна ўн нафарга яқин тенгқуримни иш билан таъминлайман.

Шунингдек, Оққўрғон агробизнес касб-хунар коллежи битирувчиси Баҳром Охунбеков, Зулхумор Йўлдошева банкнинг имтиёзли кредити ҳисобига яқма тартибдаги тадбиркор сифатида иссиқхона барпо этди. Улмасжон Бекпўлатов эса асаларчиликни йўлга қўйди. Тошкент вилояти Оққўрғон туманида бу борадаги саёй-харажатлар натижасида худуд иқтисодийти юксалиб, аҳоли, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлиги таъминланмоқда.

ИМПОРТДАН ЭКСПОРТГА

Сифатли, ҳамёнбоп маҳсулотга талаб юқори

Ромитан туманидаги «Бахтиёрчи» маҳалласида «Sharofat invest text» кўшма корхонаси иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ. Бироқ хориздан келтирилган 60 та дастгоҳ ёрдамида тиклаётган енгил sanoat маҳсулотлари аллақачон харидорлар эътиборини тортди улгурди.

■ **Ақбар РУСТАМОВ**
«Mahalla»

Меҳринисо Саидова, Дилфуза Муҳаммедова, Нилуфар Исмаилова, Лўбат Комилова сингари қўлигул чеварларнинг дизайнер Отабек Равшанов ва унинг чет эл касбдошлари тайёрлаган бичимлари асосида тикаётган эркаклар ва аёллар либослари нафақат мамлакатимизда, балки хоризда ҳам харидорини топаётир.



Корхона иш бошлаган биринчи йилда 125 минг АҚШ доллари миқдоридеги маҳсулотни экспорт қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 250 минг АҚШ доллари билан ошди. Жорий йилда ҳам тадбиркор Мадийёр Раззоқов корхонанинг салоҳиятини янада ошириб, ташқи бозордаги урнини мустаҳкамлай олди. Хозирда у Қўзон шаҳридаги «Ал-Бухорий» савдо уйи билан шартнома асосида ҳамкорлик қилаётир.

— Шу йил Ромитан қишлоқ ҳўжалиги касб-хунар коллежини битирдим, — дейди Нафиса Жумаева. — Дугоналарим Маҳфуза Амонова, Маҳлиё Аҳмадова билан шу корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўташ давомида яқши кўрсаткичларга эришганимиз боис бизни ишга қабул қилишди.

Дарвоқе, корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтиришдаёқ эзгу мақсадни дилига туккан Мадийёр Раззоқов эндиликда тўқув цехини ишга туширмоқчи. Бунинг эвазига маҳсулот таннархи арзонлашади. Лойиҳа амалга ошса, қишлоқнинг яна ўн нафарга яқин ёши ишли бўлади.

Дарвоқе, корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтиришдаёқ эзгу мақсадни дилига туккан Мадийёр Раззоқов эндиликда тўқув цехини ишга туширмоқчи. Бунинг эвазига маҳсулот таннархи арзонлашади. Лойиҳа амалга ошса, қишлоқнинг яна ўн нафарга яқин ёши ишли бўлади.

СЕРВИС ХИЗМАТИ

«Тараққийёт»га таянч бўлган мажмуа

Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги «Тараққийёт» маҳалласида аҳолига маншій ва сервис хизмати кўрсатиш мажмуаси иш бошлади.

■ **Тошпўлат ХАЙИТБОВ**
«Mahalla»

Икки камерали замонавий кир ювиш ва куришти ускунаси билан жиҳозланган кир ювиш шохобчиси, сартарошхона, пойабзал таъмирлаш участкаси, гўзаллик салонини ўз ичига олган ушбу мажмуа аҳолига қўлайлиги яради. — Маҳалламиз фаоли, тадбиркор Гулнора Улмасова ташаббуси билан бунёд этилган

маиший хизмат кўрсатиш уйида айни пайтда 5 нафар касб-хунар коллежи битирувчиси иш билан банд, — дейди йиғин раиси Абдурашид Абдувалиев. — Келгусида тадбиркор мебель жиҳозларини таъмирлаш, хонадонларга сантехника хизмати кўрсатиш тармоқларини ҳам йўлга қўйиш, савдо дўконларини ишга тушириш ниятида. Бу ишда, албатта, биз унга банкдан кредит олиш ва худудимиздан жой ажратишда кўмаклашяпмиз.

ИШ БИЛАНГА — БАЛЛИ!

Хар бир ховли чинакам гулистонга ўхшайди

Янгибозор тумани Қаландардўрмон қишлоғи нафақат туманда, балки вилоятдаги энг ораста, гулу гулзорлар, боғу боғчаларга кон маъво сифатида доврғ қозонган.



■ **Ю. ХОЖИЕВА**
«Mahalla»

Қишлоқ кўчаларини оралаган киши ховлисида турфа гул-гиёҳ ўсмаган хонадонни тополмайди. Бу қишлоқ ахли гўзалликка ошуфта, орсталик ва озодликни қадрлайдиган инсонлар.

Гулора Буронова ҳам шу қишлоқда истиқомат қилади. Унинг ўсимликларига, табиатга меҳри баланглигини исми ҳам айтиб турибди. Хоразм аёллари орасида кўп учрайдиган бу исмда «гуллар оралаб юрсин, гул каби ороли бўлсин», деган мазмун муҳассам. Г.Буронова болалигидан гулларни севади, уларни жон-дили билан парваришлайди. Ховлиси, уй ичи гулларнинг турфа навлари билан тўла. Шу боис бу хонадонга кирган кишининг кайфияти кўтарилади, гўзалликка ошно бўлади.

Дарвоқе, воҳада аллақачон кеч кузнинг салқин ҳавоси ҳукмрон, довда-рақтлар кишини кутиб олишга шайланётгандек. Аммо бу хонадондаги бахорий тароватта кузак ҳавоси таъсир кўрсатмаган, аниқроғи, «тиши ўтмаган».

Қийғос очилган кўзги гулларнинг муяттар бўйи хазонрезги исидан устун.

— Гулларга меҳрим, қизиқишим баланглигидан томорқамиздаги иссиқхонада ҳам гул ўстираман, — дейди Г.Буронова. — Асосан лимон етиштиришимиз, аммо қатор ораларидеги кўп йиллик гулларим киши бўйи яшнаб туради. Фарзандларим ҳам гулларни севади. Гул парваришига машғуллиги уларни бекорчиликдан, ёмон одатлардан асрайди, меҳнатга ўргатади. Табиатни қадрлаш, гўзалликни хис этишга рағбатлантиради.

Маҳаллада бу аёлдан ўрнак олаётганлар кўп. Қувонарлиси, Г.Буронова ўз тажрибаларини барчага бажонидил ўргатади. Очиг ҳавода ўсадиган ёки хонаки гулларни ўстиришда нималарга эътибор қаратиш лозимлиги, нозик гиёҳларни воҳанинг изгирилини иқлимига қандай бардошли этиб парваришлаш лозимлигини эринмай тушунтиради.

Янгибозордаги қишлоғу маҳаллаларда гулу гулзорли манзараларни кўплаб учратиш мумкин. Жумладан, Чўболончи қишлоғилик Мардона Рамазонава-

нинг ховлисида 250 тупдан зиёд атиргул гўнчаб турибди. Келинқачнинг қизиқиши қайнонасига ҳам юқиб, улар уй атрофи, томорқа гирдларида, яъни бўш жойларда атиргул етиштиришни йўлга қўйишди.

— Воҳамиз тупроғида шўрланиш юқорилиги боис айримлар бизда атиргулнинг тутиб кетиши қийин, деб ўйлайди, — дейди М.Рамазонава. — Аммо боғимдаги гуллар бунинг аксини кўрсатиб турибди. Фақат кишида озгина кунт ва ҳафсала бўлса кифоя. Тупрокни унумдор қилиш йўллари эса жуда кўп.

Дарҳақиқат, Мардонанинг бу борада тажрибаси бор. Унинг айтишича, гуллар учун қишлоқда тайёргарлиги мўҳим. Атиргулларни тупроққа авайлаб кўмиш керак. Акс ҳолда аёвсиз совуқ уларни нобуд қилади. Бунда кўчатларни илғор усулда кўпайтиришни эътиборда тутиш зарур. Яъни гул шохаларидан икки-учтаси қирқилмаслиги керак. Келаси йил учун бу тайёр кўчат. Новдалар кўмилгач, табиийки, тупроқ олинган жойда чуқурча ҳосил бўлади. Бу чуқурчаларга уй атрофидаги довда-рақтлар хазонлари кўмиб ташланади. Бахорғача улар чирийди ва унумдорлик ошади, ер юмшайди. Атрофмудит тозаланади. Хазон ёқишга ҳожат қолмайди.

Худудларни кўкаламзорлаштириш, хонадонларда орсталикни сақлаш, аҳоли турмуш маданиятини юксалтиришда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Янгибозор тумани бўлини маси фуқаролар йиғинларига амалий кўмак кўрсатиб келаётир. Бўлини маси Дурдона Рамазонаванинг таъкидлашича, худуднинг бугунги кўркам кийфасига маҳаллалараро «Энг ораста хонадон», «Энг гулзор кўча», «Энг гулсевар бека» каби танловларнинг мунтазам ўтказилиши ҳам туртки бермоқда. Жумладан, бу йилги танловда «Халқобод» маҳалласидан Гўзалой Рўзметова «Энг гулсевар бека» деб топилди, унинг тажрибалари оммалаштирилди.

Бўлини маси томонидан турли манзарали, мевали дарахт, гул кўчатларининг, турфа ўсимликлар уруғларининг тарқатилиб парваришига ёш авлоднинг ҳам жалб этилгани фарзандларда табиатга меҳр уйғотиш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳиссини шакллантиришга хизмат қилаётир.

ИМТИЁЗ

Солиқ юки камайса, даромад кўпаяди

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, қасаначилик ва оилавий ишбилармонликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобига янги иш ўринлари яратиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мўҳим вазифалардан саналади.

■ **А. Йўлдошев**
«Mahalla»

Сўнги йилларда юртимизда қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш ҳамда уларнинг мамлакат иқтисодийтидаги улушини кўпайтиришга мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир. Шўбхасиз, бунинг бош омилларидан бири солиқ юкиннинг йилдан-йилга камайтирилиб, тадбиркорларга қатор имтиёзлар берилаётганидир.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунда оилавий корхонани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, унинг фаолият эркинлигини тўла таъминлаш алоҳида белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъекти оила аъзолари иштирокида тузилиши, бунда оиладаги барча қариндошлар иштирок этиши мумкинлиги қайд этилган. Жойларда солиқ инспекторлари томонидан тадбиркорлар учун берилаётган ана шу имтиёз, преференция ва қоғалатларнинг аҳоли ўртасида кенг тарғиб этилаётгани натижасида Самарқанд вилоятидаги маҳаллаларда ҳам оилавий тадбиркорлар сони ортиб бормоқда.

Жумладан, Оқдарё туманидаги Қора тери қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Саёғат» массивида фаолият юритаётган «Юнусжон аҳли» оилавий корхонаси соҳага қаратилган эътибор ва яратилаётган шарт-шароит, имкониятлардан унумли фойдаланиб, фаолият қўлами-



ни тобора кенгайтираётир.

— Корхона 8 нафар оилавий аъзоси иштирокида ташкил этилган, — дейди «Юнусжон аҳли» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Юнусжон Обидов. — Тадбиркорликнинг айнан мана шу шаклини танлаб адашмаган эканмиз. Чунки оилавий корхоналар учун белгиланган солиқ имтиёзлари, яъни ягона солиқ тўлови ишлаб чиқариш салоҳиятимизни янада ривожлантириш йўлида кўшимча молиявий омил бўлиб хизмат қилапти. Ушбу имтиёзлар туфайли ҳар йили 20-22 млн. сўм даромад оляпмиз.

Дарҳақиқат, ушбу имтиёзлар миллий матоларимиздан бири — бахмал тайёрлашга ихтисослашган маҳаллалар оилавий ийлик даромади ортишига замин яратмоқда. Бугунга келиб унинг бир йиллик ишлаб чиқариш қиймати 415 млн. сўмдан зиёдини ташкил этмоқда.

Айни қунда тадбиркорлик соҳасида солиқларнинг рағбатлантирувчи роли ошиши натижасида жорий йилда вилоятда оилавий корхоналар сони 307 тага етди.

САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИДАН

Сайлов кампанияси қачон бошланади?

ТАҲРИРИЯТДАН: Жорий йилнинг 21 декабрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Шу муносабат билан маҳалла фаоллари, ўқувчилардан келаётган хатлар, кўп минг сонли мухлисларнинг талаб ва тақлифларини инобатга олиб, газетта саҳифаларида сайлов қонунчилигига оид маълумотлар бериб боришни маъқул топдик.

Мақсад мазкур сийсий жараёнга оид амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳиятини сайловчиларга етказишдан иборат.

САВОЛ:

— Мамлакатимизда ҳар беш йилда бир марта ўтказилаётган мўҳим сийсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда маҳаллий Кенгашларга сайловлар кампанияси қачон бошланади?

ЖАВОБ:

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасига асосан сайлов кампанияси бошланганлиги аввалги қаҳирқ Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин

Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 19-моддасида ҳам халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайлов юзасидан сайлов кампанияси бошланганлиги депутатларнинг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан эълон қилиниши мустаҳкамлаб қўйилган.

Жорий йил 11 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг йиғилиши



бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси шу йил 15 сентябрдан бошланишини эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Сайловга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан.

ҚУЛАЙЛИК

Нукус кўчаларида замонавий автобуслар

«Қорақалпоқтранс» автомобилда юк ва йўловчи ташувчилар уюшмасининг «Indigo trans» шўба корхонаси Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқарилган ўн бешта автобусни «Асака» банкнинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалидан олган имтиёзли кредит маблағи эвазига харид қилди.

■ **Мухбиримиз.**

Айни вақтда бу автобуслар шаҳар ичкарасида турли йўналишлар бўйича аҳоли ва меҳмонларга хизмат кўрсатмоқда.

— Замонавий автобуслар қатновининг йўлга қўйилгани аҳолимиз учун қўлайлик туғдирди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Нукус шаҳри бўлини маси мусул қотиби Янги Алланазарова. — Қолаверса, фуқаролар йиғини-га йўланаётган мухожатлар-

да жамоат транспортлари билан боғлиқ масалалар ҳам кўтарилаётганидир. Эндиликда шаҳарликлар қўлайликлардан мамнун.

Транспорт соҳасини такомиллаштириш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимини изчил ривожлантиришга доир кенг қўламли ишлар самарасида шаҳардан 100 км. олисдаги «Қоратов» ҳамда 50 км. масофадаги «Бештўба» маҳаллалари аҳолиси ҳам яқин орада баҳраманд бўлади.

ТОМОРҚАДАН УНАР БАРАКА

Ерни эъзозлаган элда азиз бўлади

Маҳалла гузари ёнига яп-янги енгил машина келиб тўхтади. Унинг орқа ўринидан ёши олтмишдан ошган, қадди-қомати тик Қаҳҳоржон Холиқов оҳиста тушиб, шахдам юриб чойлашиб ўтирган маҳалладашлари — оқсоқоллар даврасига қўшили.

■ **Абдумутал АБДУЛЛАЕВ**
«Mahalla»

— Машина муборақ бўлсин, кўшони, — деди улардан бири бегубор қилмайиб.

— Янги шекилли?

— Ҳа, энди, заводи ўзимизники бўлгач, мингинг келаверар экан-да, — деди даврдан жой олган Қ.Холиқов.

— Бу «туплор» томорқанинг ҳосили, — деди оқ яқтаги устидан белма боғла олган чойхоначи ҳамма-га эшиттириб.

Чойхоначи ҳақ. Аслида-ку, Анди-

жон вилояти Қўрғонтепа туманидаги Қўрғонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини миришкорлар маскани саналади. Қўтқарлик Кўчқоржон Холиқов эса ишининг кўзини биладиган деҳқонлардан.

Бир пайтлар «Қўтқар» маҳалласида пастқамгина озиқ-овқат дўконидан бошқа хизмат кўрсатиш шохобчиси йўқ эди. Аҳоли кўл учидан кун кеचирарди. Мустақиллик шарофати билан бугун маҳалла обод, оилалар турмуши фаровон. Муҳими, одамларнинг ҳаётга муносабати ўзгарган. Қ.Холиқов сингарилар ерда тўккан пешона тери эвазига

мўмай даромад олишаётир.

Мана, бир мисол. Эрта баҳорда картошкандан яқшигина наф кўрган омилкор бўшаган ерга 5 минг тупдан ортик қарам эқди. Ўтган йилги даромади ҳисобига хонадон иккинчи машинага эга бўлди.

— Худудимиздаги 8729 та оилада 33 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, — дейди Қўрғонтепа қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Қосимжон Сулаймонов. — Уларнинг томорқа ҳўжалиги 208 гектардан ортик, Бу, аслида вилоятдаги энг йилли фермер ҳўжалиги экин майдонига тенг. Қишлоғимизда нафақат деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, балки асаларчилик ҳам ривожлантирилади. Тадбиркорлар бир-бири билан мустаҳкам алоқада. Чорвадор ва паррандабоқарлар деҳқонларни

табиий ўғит билан таъминласа, деҳқонлар уларга ем-хашак етказиб беришади. Ишбилармонлар сафи кўпаяётгани маҳалла ишида ташаббускорликни орттирмоқда. Масалан, иссиқхоначиларимиз даромадлари ҳисобидан «Маямробод» маҳалласида ичимлик суви таъминотини тубдан яқшиллашга ҳисса қўшди.

«Учқун» маҳалласидан Мукаррамхон ая Анварова 20 сотих иссиқхонада 3 минг тупдан ортик 50 турдаги гулни парваришлади. Оиланинг йиллик даромади 15-20 миллион сўмдан ортки. Қолаверса, оила аъзоларининг бандлигини ҳам таъминлади. Эътиборлиси, юз ёшини қоралаган Қозиёшон бобо ҳам гуллар парваришида қизи ва набира-ларига ёрдамчи.

Ҳа, «Ерни боқсанг, ер сени бока-



ди», деган ҳикматнинг айни ҳақиқат эканини қўрғонтепаликлар қўндалик турмуш тарзидан билиш мумкин.



ДАВЛАТ ДАСТУРИ — АМАЛДА

МАСЛАХАТЧИ МИНБАРИ

САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Мурувват — кўнгилга малҳам

Мамлакатимизда ота-онаси ва боқувчисидан айрилган, ногирон болаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида Меҳрибонлик ва Мурувват уйларидаги шарт-шароитларни яхшилашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.



■ Санобар БОЙМУРОВА «Mahalla»

«Соғлом бола йили» Давлат дастури доирасида Қарши шаҳридаги Мурувват уйи капитал таъмирланиши ва янгидан жиҳозланиши кўзда тутилган эди. Хозирга қадар бинонинг бир қисми имкониятлар чиқарилди.

Бу масканда 4 ёшдан 18 ёшгача бўлган жисмоний имконияти чекланган болалар тарбияланади. Уларнинг қийинчиликсиз ўсиб-ўлғайиши учун барча имкониятлар яратиб берилган. Кенг ва шинам ётоқхоналар, замонавий жиҳозлар билан таъминланган машғулот хоналари, спорт зали болалар ихтиёрида. Тарбияланувчиларга ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатиш, саломатлигини тиклаш учун физиотерапия хоналари ишлаб турибди.

— Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан биноларнинг иситиш тизими таъмирланиб, қозонхоналарга янги насослар ўрнатилди, — дейди Мурувват уйи директори Ваҳоб Орзиқулов. — 50 ўринли ошхона ва ҳаммом қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни вақт-

да кичик спорт зали ва ёзги ўйингоҳ қурилиши давом этмоқда. Шунингдек, бинонинг олд қисми қайтадан таъмирланиб, безак бериш ишлари ниятсизга етказилмоқда.

Ободонлаштириш ишларида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ҳамда Қарши шаҳар бўлини маси бош-қош. Мурувват уйидаги ташқи ёриткичлар янгиланди, йўллар атрофига гуллар экилди. «Комилон» маҳалла фуқаролар йиғинининг ташаббуси билан дарвоза таъмирланди. Меҳр-мурувват маскани ҳовлисига 200 тупдан зиёд мева ва манзарали кўчатлар ўтказилди.

«Равоқ», «Эски анҳор», «Рогузар», «Комилон» маҳалла фаоллари тарбияланувчилардан тез-тез хабар олиб, байрамларда совғалар улашади. Қизиқarli ўйинлар, спорт мусобақаларини уюштириб, болажонларнинг ўзларини соғлом ҳис этишига интилишларига кўмаклашапти.

— Болажон, инсонпарвар, бағрикенг кишилар орасида улғайганимдан бахтиёрман, — дейди Мурувват уйи тарбиячиси Ко Игорь. — Фаолиятимни мурувват уйида бошлаганман. Бу ердаги шарт-шароит, болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, айниқса, ўзбек халқининг меҳридорлиги мени ҳайратга солди. «Равоқ» маҳалласи раиси Мўмин Мўминов, «Рогузар» маҳалласи раиси Ғайбулла Отабоев ҳамда йиғин фаоллари бу ерга келиб, турли ўйинлар ташкил этишаётгани болаларга бир олам кувонч улашмоқда.

Яқинда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими томонидан тарбияланувчиларга иссиқ пойабзаллар тарқатилди.



ОИЛА ШИФОКОРИ ДАФТАРИДАН

Она фарзанд меҳридан куч олади

Мустақиллик йилларида тиббиёт соҳасида, хусусан, неонатология йўналишида мамлакатимизда бир қатор янгиликлар жорий этилди.

■ Гулбахор ХЎЖАЕВА, Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи, «Шухрат» медали соҳибаси.

Неонатология, яъни чақолакнинг турилганидан 28 кунлик вақтгача бўлган давр эрта ва кечкига бўлинади. Эрта неонатология гўдак дунёга келганидан 4 кунликкача, кечки неонатология эса 4-28 кунлик вақтни ўз ичига олади. Бу даврда чақалоқ ташқи муҳитга мослашади. Шу боис у 28 кунликка қадар фақат онаси билан бўлиши зарур. Айни пайтда гўдак туғилгани билан онасининг бағрига берилди. Бу усул илк бор жорий этилганда туғуруқдан чарчаган она чақалоқ билан қийналади, деган фикрлар ҳам айтилганди.

Тажириба шуни кўрсатадики, она фарзанди меҳридан куч оларкан, тезроқ оёққа тураркан. Оналарга чақалоқларда рўй бериши мумкин бўлган хавфли белгилар ҳақида тушунча берилган, эрталаб ва кечкурун улар чақалоқнинг ҳароратини ўлаб, қайд қилиб борадилар. Чунки чақалоқларда бу даврда сарғайиш, тана ҳароратининг тушиб кетиши ҳолатлари кузатилиши мумкин.

Туманимиз тиббиёт бирлашмасининг туғуруқ бўлимида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан тавсия этилган «Бехатар оналик» дастури доирасида янги перинатал технологиялар асосида иш юритиладики, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча шароитлар яратилган. Жорий этилган перинатал пар-

Тарғиботда номуҳим ва нозарур восита йўқ

Кучли фуқаролик жамияти барпо этишда маҳалла институтининг ўрни беқисс. Фуқаролар йиғинидаги қарийб ўн йиллик фаолиятим давомида маҳалла ҳар бир хонадон ва оиллага кириб борган таъсирчан тизим эканлигига амин бўлдим.



■ Хурнисо АХМЕДОВА, Пискент тумани Ойбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси.

Бунинг ўзига хос омиллари бор, албатта. Аввало, маҳаллада жамиятнинг бош бўғини — оилаларга эътибор кучли. Фарзандлар тарбияси, ўзаро муносабатлар, қўшничилик, миллий анъаналарни рағбат топтиришда бу тузилманинг аҳамияти улкан.

Пойтахт вилоятининг Пискент туманидаги Ойбек номи маҳалламиз худудидан жойлашган хонадонлар йиғинида фаолларга яхши таниш.

Маҳалладагиларнинг аҳилиги, қадр-қиммат туйғуларининг барқарорлиги бу, аввало, юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсати натижасидир. Чунки миллий бошқарувимизнинг ушбу усули расмиётчиликлардан холи, ўзаро ишонч, меҳр-оқибатга асосланган. «Қўшнинг тинч — сен тинч», деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган. Айниқса, қўни-қўшни, маҳалладошлар хашар уюштириб ариқлар қазиши, кўча-кўйни тозалаш ишларимизда меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик ҳиссини тарбиялайди.

Эртанги кунимиз ёшларнинг бугунги таълим-тарбиясига боғлиқ. Қолаверса, давлат томонидан ёшларга яратиб берилаётган шарт-шароитлардан самарали фойдаланишда, ота-она ва маҳалла аҳлининг кўзланган мақсадга

эришиши муҳим восита бўлаётир. Шу боис худудимиздаги 2 та умумтаълим мактаби ходимлари билан биргаликда «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигига катта эътибор бермоқдамиз. Хусусан, режа асосида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинаётим. Сабабсиз дарсга келмаётган ёки кундалик машғулотларга тўлиқ қатнашмаётган ўқувчилар доимий назоратда.

Оилаларда низолар келиб чиқишининг сабабини ўрганиш, ажрашишларга йўл қўймаслик диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар зиммасидаги масъулиятли вазифалардан. «Ота-оналар университети», Яраштириш, Хотин-қизлар билан ишлаш, Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялар иши такомиллаштирилиб, ибратли оилалар тажрибаси оммалаштирилади. Йиғин раиси Жўрақул Отақулов саъй-ҳаракатлари билан «Ҳикматлар китоби», «Келин-куёвга эслатма», «Қайнота ва қайнонага эслатма» каби тавсиялар ишлаб чиқилиб, аҳолига тарқатилмоқда.

Камтарона меҳнатларимиз эътирофига сазовор бўляпти. Жорий йили «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан ўтказиб келинаётган «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичида 2-ўринни кўлга киритдим.

Бундай натижа масъулият ҳиссини янада ошириши табиий. Эндиликда худудда маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчан усулларини жорий этиш устида изланилмоқда. Тарғибот тадбирларида ёшларни, хотин-қизларни турли ахборот хуружлари, «оммавий маданият» таъсирларидан ҳимоялаш учун улар онги ва қалбида маънавий иммунитет ҳосил қилиш чоралари қўрилади. Бу эса эртанги кунимиз тинч ва осойишталигига гаров бўлиб хизмат қилади.

БОШ МУТАХАССИС МИНБАРИ

Маънавий юксалиш чинакам бўй кўрсатган

Қува тумани — Фарғона водийсининг гавҳари, дея таърифланади. Туманимиздаги 65 та маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолининг маънавий дунёқарашини бойитиш, «мафкуравий иммунитет»ни кучайтириш учун тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

■ Махбубахон САЙРАМОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қува тумани бўлини маси бош мутахассиси.

Бундай тадбирлар натижасида аёлларимиз диний экстремизм ва миссионерликнинг олдини олиш, ақидапарастликка қарши курашишда фаоллиги ортиб, жаҳонда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларнинг асл моҳиятини чуқурроқ тушунишга интилишмоқда. Шу боис маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тарғибот ишларини мунтазам ташкил қилганмиз. Хусусан, аҳолини диний оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, одам савдоси, меҳнат миграцияси, ОИТС, гиёҳвандлик сингари долзарб мавзуларда 4 мингдан зиёд тадбирлар уюштирилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида долзарб мавзуларга оид махсус бурчаклар ташкил этилиб, зарур адабиёт, ўқув-қўлланмалар тўплами билан таъминланган. Аҳоли гавжум жойлар, маҳалла гузарлари, ишлаб чиқариш тармоқлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларида огоҳлик ва ҳушёрликни тарғиб этувчи панно, плакат ва бошқа кўргазмалар воситалар ўрнатилди.

Агар оилادا уй бекасининг маънавий бой бўлса, турли мафкуравий таҳдидлар бу хонадон остонасига йўламайди. Шу боис фуқаролар йиғинларининг Маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялари фаолиятининг тўғри ташкил этилишига, ҳар бир аёл эътиборда бўлишига интилади. Шу кунга қадар барча маҳаллаларда ушбу комиссия аъзоларининг саъй-ҳаракати билан «Огоҳ

бўлайлик», «Огоҳлик — давр талаби», «Динни никоҳ қилганлар», «Ислоом дини — эзгулик тарафдори», «Экстремистик оқимлар ва терроризм» каби мавзуларда ташкил этилган давра суҳбатларига ақсарият аёллар қамраб олинмоқда.

Қаерда бошбошдоқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик, бекорчилик ҳукм сурса, ўша ерда ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик, оилавий можаролар авж олади. Шу боис хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка жалб этиш, уларнинг ишбилармонлик борасидаги ҳуқуқий саводини оширишда ҳам тарғибот тадбирларини олиб бораётишимиз.

Қувада бугун нафақат улкан бунёдкорликлар авж олган, балки маънавий юксалиш ҳам бўй кўрсатмоқда. Бугун маҳаллаларимиз тинч. Қувалик аёллар динимизнинг юксак инсоний ғояларга асосланганини, ҳеч бир мамлакатда хотин-қизлар бизларнинг юртимиздаги каби юксак ғамхўрлик ва эътибор оғушида эмаслигини яхши билишади.

Очиқ, ошқора ва адолат мезонлари асосида

Урганч шаҳридаги иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг учинчи босқич ўқувчиси Нарғиза Сотимова энди 18 ёшни қаршилади. Айни пайтда Нарғиза жорий йил 21 декабрь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига ўтдиган сайловларда фаол иштирок этиш учун пухта ҳозирлик кўрмоқда.



■ Толибжон НИЗОМОВ «Mahalla»

Мамлакатимизда 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқаро сайлаш ҳуқуқига эгалиги Бош Қомусимизда белгилаб қўйилган. Ушбу ваколатдан келиб чиқиб жорий йил 21 декабрда бўлиб ўтдиган сайловларда муносиб номзодларга овоз бериш орқали юртимизнинг кейинги беш йиллик ижтимоий-иқтисодий рағбатига, аҳоли турмушининг янада фаровонлашишига муносиб ҳисса қўйиш ҳар бир юртодошимизнинг фуқаролик бурчидир.

— Демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шакли бўлган сайловларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам фаол иштирок этмоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Хоразм вилояти бўлими бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Олтибой Ражабов. — Янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда маҳаллаларнинг сиёсий жараёндаги иштироки кўрсатилган. Шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги янги тахирдаги қонунда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловдаги ташкилотини олиб боришнинг тартиби белгиланган. Аниқроқ айтганда, давлат ва ҳўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатлик қонномзодларга, сиёсий партияларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналари бепул ажратилиш, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Шу боис Хоразм вилоятда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 7 та, яъни 105-Урганч, 106-Богот, 107-Гурлан, 108-Ҳазорасп, 109-Хонқа, 110-Хива ва 111-Шовот сайлов округларида комиссия аъзоллигига киритилган фуқаролар йиғинлари раислари тайинланди. Шунингдек, халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгашига 330 та, вилоят Кенгашига 60 та сайлов округида ҳам маҳалла фаоллари комиссия аъзоллигига қабул қилинган фуқаролар йиғинларига билдирилган ишончнинг амалдаги ифодасидир. Сайловларнинг 455 та участка юқори савияда ўттишини таъминлашда маҳалла фаоллари жонбозлик кўрсатишаётир. Зотан, янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида депутатларга уларнинг сайловчилар билан учрашувларини уюштиришда, фуқароларни қабул қилишда кўмаклашиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, маҳалла институтини халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод кўр-

— Мен бу йил 18 ёшга тўлман ва илк бор сайловда қатнашман, — дейди шаҳардаги 1-сонли маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси Шокир Анваров. — Маҳалламизда ташкил этилаётган тадбирларда Конституцияга киритилган ўзгаришларга мурофиб Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси давлат ҳокимияти вакили органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига ҳамда ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, овоз бериш ҳуқуқига, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан қаролатилгани тўғрисидаги билимларимни мустаҳкамлаб олдим. Бу, албатта, муносиб номзодларга ишонч билдиришимда қўл келади.

Ҳа, сайловлар орқали ҳар бир фуқаро очик, ошқора ва адолат мезонлари асосида ўзлари ишонган ҳамда мамлакат тараққиётига ҳисса қўша оладиган муносиб номзодларни сайлайди. Илк бор сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ёшлар эса, шўҳасиз, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшашга ўрганилади.



қаролар йиғинлари билан доимий ҳамкорликда иш олиб бораётишимиз. Жумладан, жойларда она сутининг аҳамияти, ҳомиладор аёл парварлиги, тўғри овқатланиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мавзуларида тадбирлар ташкил этилмоқда. Бу тўғма нуқсонли гўдаклар туғилиши ва болалар ўлими камайишига хизмат қиляпти, албатта.



ОСОЙИШТАЛИГИМИЗ ПОСБОНЛАРИ

КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

ЮРТ ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ ШАРАФ

Битирувчи бандлигига эътибор катта

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги «Мулкент» маҳалла фуқаролар йиғинининг «Маҳалла посбони» жамоатчилиги тузилмаси ҳудудда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда самарали иш олиб бормоқда. Бунда, айниқса, тузилма сардори Зокир Бердиевнинг иш тажрибаси асқотаётир.

■ Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ «Mahalla»

— Ойлар тинчлиги маҳалла осойишталигининг гаворидир, — дейди З.Бердиев. — Йиғин фаоллари билан ҳамжihatликда хонадонларда, кўни-кўшилар ўртасида низо-лар юзага келишининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратаймиз. Айрим муаммолар маҳалланинг ўзида муроса йўли билан ва, албатта, қонун доирасида бартараф этилмоқда.

— Посбонимиз ҳар бир ишда пешқадам, — дейди маҳалла раиси Тухтамурод Бердиев — У қарийб беш йилдан буён аҳоли тинчлигини, осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётир. У иш дафтари вазибаларни, хонадонларга оид керакли маълумотларни қайд этиб боради. Кўча бошлиқлари билан ҳамжihatлиги туфайли ҳар бир оиладаги муҳит ва шароитдан яхши хабардор.

Профилактика инспектори Умар Элмуродов билан ҳамкорлик ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ноҳуш ҳолатларга чек қўйишда қўл келмоқда. Кейинги уч-тўрт йил мобайнида ҳудудда ҳуқуқбузарликлар сони кескин камайгани ҳам фикримизни далиллайди.



МЕЗОН

Ножўя ҳаракат асли нотўғри фикрдан

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди шаҳар ва туман бўлиналари иш режасидан ҳуқуқий тарғиботни янада кучайтиришга қаратилган амалий чора-тадбирлар алоҳида ўрин олган.

■ Дилором ҒОҒУРОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти бўлими бош мутахассиси.

Таҳлилларга кўра, айрим фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши билмасликлари, ноҳўя хатти-ҳаракатлари боис жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олишда фуқаролар йиғини фаолиятига амалий кўмак бериш, илғор иш тажрибаларини оммалаштириш мақсадида 128 марта семинар ва давра суҳбати ташкил этилди. Йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан биргаликда мингдан ортик муаммолар оилалар ўрганилиб, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Вилоятимиздаги мавжуд 1035 та маҳалла фуқаролар йиғинида тарғибот гуруҳлари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Фуқрат туманидаги «Тошоша», «Кўк дўппи» маҳаллаларидаги «Ота-оналар университетининг» машғулотида «Ота-оналарнинг хорижга чиқиб кетишининг фарзандлар

тарбиясига салбий таъбири мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, оилавий тадбиркорлик, касаначилик асосида иш олиб боришининг ҳуқуқий мезонлари тўғрисида ҳам тушунтиришлар берилмоқда.

Маҳаллаларда «Сиз қонунни биласизми?», «Ўз ҳуқуқини билган бурчини ҳам англайдими», «Биз одам савдосига қаршимиз», «Адашиб, сўнг пу-



Фаровон ҳаёт ва тараққиёт кафолати

Демократик ҳуқуқий давлатни Конституция ва қонунларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳаётини ҳақиқатини англаган ҳар бир инсон, аввало, Конституция ва қонунларни, шу тариқа ўзининг ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билишга интилади. Шу жihatдан қараганда бугун Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқчил Қомус сифатида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбидан чуқур жой олган.



■ Насриддин САДРИДДИНОВ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Бош Қомусимиз Ватанимизнинг тенглар ичра тенг бўлиб тараққиёт этиши, шунингдек, фуқароларнинг эркинлигини таъминлаш ва ўзаро тотувлигини мустаҳкамлашда ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек, «...Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжihatиятида «ўзбек модели» деб ном қозongan, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда».

Юртбошимизнинг ушбу анжумандаги «Амалга ошираётган ислоҳотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти куриш — ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир» деб номланган маърузасининг

мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш ва унда белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш ҳаётга татбиқ этиш борасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими ва ҳудудий бўлиналар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, вилоят маҳаллаларида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тўрт мингдан зиёд учрашув, мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилди. Аҳоли турли қатламнинг 1 миллион нафарга яқини бу тадбирларга қамраб олинди. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллада ҳафтанинг бир кунини «Ҳуқуқий савдохонлик» кунини сифатида белгилаиб, Конституция ва у асосда қабул қилинаётган янги қонунлар, фармон ва қарорларни чуқур ўрганиб бориш йўлга қўйилди. Тадбирлар фуқаролар йиғинлари кўмагида, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда анжуман режа асосида ташкил этилаётгани кутилган самарани бермоқда.

Конституция асосида нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини кучайтириш, уларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жамиятимизнинг асосий бўлини — маҳаллани ободонлаштириш вазифасидан келиб чиқиб,

ўзини ўзи бошқариш тизими янада тақомиллаштирилди, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга катта аҳамият қаратилди.

Айни шу мақсадларда иккита муҳим қонун қабул қилинди. Жумладан, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳририда ушбу тузилма фаолиятининг ташкилий асосларини тақомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазаси бўйича унинг ваколат ва вазифалари кенгайтирилди.

Хабарингиз бор, ўтган йилнинг ноябрь-декабрь ойларида юртимизда фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Бу жараённинг янги таҳририда қабул қилинган қонун асосида ташкил этилгани, айниқса, эътиборлидир. Наманган вилоятида ушбу муҳим сиёсий жараённи юксак савияда ўтказиш, йиғин раиси ва унинг маслаҳатчиси лавозимига эл-юрт ишончини қозongan, кўпчилигини ортдан эргаштира оладиган, жон қойитиб, ёниб ишлайдиган инсонларни сайлашга алоҳида эътибор қаратилди. 12 та кўмаклашувчи комиссия тузилиб, мавжуд фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг барчасида сайлов бўлиб ўтди.

Демократиянинг юксак намунаси бўлган бундай эркин танлаш ҳуқуқи айнан Бош Қомусимиз туфайли эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зеро, Конституциянинг 105-моддасида: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидagi маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари сайловини улар икки йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади», дея кафолатланган.

Бу, ўз навбатида, ноёб ва бетакрор ижтимоий бошқарув тузилмаси сифатида жаҳон тан олаётган маҳалла институтининг халқчиллигини таъминлаш ҳамда самарали фаолият кўрсатишида муҳим омил бўлмоқда. Конституция ва у асосда қабул қилинган қонунлар талаблари бўйича фуқаролар йиғинига сайланган фуқаролар эса эл ишончини қозониш учун бутун куч ва имкониятларини ишга солишмоқдалар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан мақсад инсон ва унинг бахт-саодати, фаровон ҳаётини таъминлашдан иборатдир. Бунда демократик жамият барпо этишининг муҳим асосларидан ҳисобланган маҳалла тизимига эътибор муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳарбий хизмат — ҳар йигитнинг орзуси

Аскарлик бурчини аъло даражада ўтаб, ўқишга кириш учун берилган имтиёзга эга бўлган Достон Турсулқулов айти пайтда Тошкент давлат ирригация ва мелiorация институтининг иккинчи босқич талабаси. У аслида имтиёз билан институтга қабул қилинганидан эмас, балки маҳалладошларининг, ота-онасининг ишончини оқлаб, Ватан олдидаги йигитлик бурчини адо этганидан хурсанд.

■ Элёр БОЙМИРЗАЕВ «Mahalla»

Дарҳақиқат, ёшлар онги ва қалбида она-Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёсига садоқат, аънаъ ва қадриятларимизга ҳурмат, юрт тақдирига дахлдорлик туйғуларини қарор топтириш ҳар бир кишининг фуқаролик бурчидир.

Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Сулувқўрган» маҳалла фуқаролар йиғинида айни шу йўналишдаги тахрирлар амалга оширилаётган ишлардан ибрат олса арзийди.

Маҳалла фаоллари ташаббуси билан жамоат ташкилотлари ҳамда ўқув муассасалари ҳамкорлигида баркамол авлоднинг ватанпарварлик туйғусини юксалтириш, уларнинг ҳарбий соҳага қизиқиш ва интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар изчил уюштириб келинмоқда. Бундай учрашувларга нуронийлар, меҳнат фaҳрийлари, туман мудофаа бўлими ходимлари, ҳарбий хизматчилар оилалари, йигитлик бурчини адо этаётган аскарларнинг ота-оналари тақлим этилади. Мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси, аҳамияти, ҳарбий хизматчилар ҳаёти, улар учун яратилган шарт-шароитлар ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Қолаверса, юртимизда тинч-тотувлиқни таъминлаётган, Ватанимиз сарҳадларини мардонвор қўриқлаётган сулувқўрғонлик ўғлонларнинг ота-оналарига ҳарбий қисмлардан жўнатилган ташаккурномалар ўқиб эшиттирилмоқда.

— Маҳалламиз ёшларининг ҳарбий хизматга қизиқшини ушбу соҳани танлаётганлар сафи кенгайиб бораётганидан ҳам билса бўлади, — дейди йиғин раиси Ҳасан Жабборов. — Хусусан, 2012-2013 йиллар ҳарбий хизмат даврида 10 на-



фар, жорий йилда эса 6 нафар йигит аскарлик хизматини аъло даражада ўтаб, мунасли хулқи, ақлий салоҳияти ва жанговар тайёргарлиги билан эътирофга сазовор бўлди. Шу йилнинг ўтган даврида 8 нафар ўғлон ҳарбий хизматни ўтаб қайтди. Қувончлиси, Ватан олдидаги бурчини адо этган йигитлардан 5 нафари шартнома асосида ҳарбий қисмларда, 13 нафари эса ички ишлар идораларида хизматларини адо этираётир.

Бундан ташқари, ҳарбий хизмат чоғида ўзининг жанговарлик қобилияти билан эътиборга тушган йигитлар орасида сулувқўрғонликларнинг борлиги нафақат уларнинг ақлилари, балки барча маҳалладошлари қалбида фахр туйғусини уйғотади. Ҳарбий қисмлар томонидан йиғин фаоллари ва аскарларнинг оила аъзоларига ташаккурномалар жўнатилганлиги ушбу маҳаллада камол топаётган ҳар бир ўғил-қизга ибрат бўлиб, келажакда улардек юрт ҳимояси учун камарбаста бўла оладиган авлод бўлиб етишишга ундамоқда.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ

Фаолият қонуний талабларга мос

Чиноз тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар талаблари асосида фаолият юритмоқда.

■ Мавлуда МЕЛИҚУЛОВА «Mahalla»

Йиғинда комиссиянинг иши намуналар тарзда йўлга қўйилган. Унга катта ҳаётини тажрибага эга Мира Аҳмедованинг раҳбарлик қилаётгани, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш маркази, молия бўлими ходимлари, Абу Райхон Бериунин номидаги 1-умумтаълим мактаби директори ва ҳудуддаги обрў-эътиборли кишиларнинг аъзо қилиб сайлангани истеъмолчилар ҳуқуқларини муносиб ҳимоя қилишда қўл келмоқда.

— Аҳолининг ёзма ва оғзаки муножаатлари ва улар бўйича қўрилган чоралар алоҳида дафтарга қайд этиб борилади, — дейди йиғин раиси Зулфия Алимхаммедова. — Айни пайтда комиссиянинг 7 нафар аъзоси фуқаролар йиғини ҳудудда қонунлар, кенгаш қарорлари ижросини таъминлашда, шунингдек, 1670 нафарга яқин истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашда жонбозлик кўрсатмоқда.

Аъзолар томонидан аҳолининг қонуний талабларини вақтида тўлаши за-



рурлиги ҳақида тушунтириш-тарғибот ишлари йўлга қўйилган. Бунинг натижасида йиғин аҳоли электр энергияси, иссиқ сув, газ ва бошқа коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўламоқда.

Фаоллар ташаббуси билан ҳудуддаги мавжуд 3 та савдо дўконига тўлов терминаллари ўрнатилишига эришилди. Уларнинг узлуқсиз ишлаши, харидорларга сифатли хизмат кўрсатиши каби масалалар комиссиянинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда йиғин ҳузуридagi мазкур комиссия нафақат ўз ҳудудда, балки кўшни маҳаллалардаги шу номдаги комиссия аъзолари билан ҳамкорлик қилаётгани яхши самара бермоқда. Масалан, ёндош йиғинлар — «Оқ олтин» ҳамда «Янгиобод» маҳаллалари-

даги мазкур комиссиялар аъзолари ҳамжihatлигида Алишер Навоий кўчаси тўлиқ асфальтланди. Шунингдек, йиғиндаги 60 нафардан зиёд мактаб битирувчисини таълимнинг кейинги босқичига, 84 нафар касб-хунар коллежлари битирувчисини ишга жойлаштириш ҳам комиссия аъзолари эътиборидан четда қолмади.

Бир сўз билан айтганда, аҳолини ўйлантираётган турли муаммолар йиғин қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоларининг диққат-марказида. Зеро, бугун маҳалла фуқаролар йиғинида эл нафратини ҳар нафардан устун қўйиб, Ватан тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшаётган инсонлар хизмат қилмоқда.



ИБРАТЛИ УМР

104 ёшида ҳам тетик ва бардам

Шўрчи туманидаги Катта совур шаҳарча фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Анор Маматалиева меҳнатсеварлиги ва ибратли турмуши билан элдошларига намуна бўлиб келаётган қайвонилардан.

■ Нигина ШОЕВА
«Mahalla»

Умри давомида ҳалол меҳнати билан нафақат оиласи, балки кўни-кўшни, маҳалласи оғирини енгил қилган бу инсон ҳозир ҳам кексайдим деб оёқ узатиб ўтиришни ўзига эп кўрмайди. Шу боис у бир юз тўрт баҳорни қаршилаганига қарамай, тетик, бардам.

Онахон ҳар доим ёшларга бугунгидек дориламон кунларнинг қадрига етиш, яратилган имкониятлардан фойдаланиб, билимли, касб-корли бўлиб улгайишлари лозимлигини бот-бот тақдирлайди. Фуқаролар йиғини фаоллари кунда-кунора совға-саломлар билан йўқлашади, соғлигини назорат қилишади.

Уч нафар фарзандини вояга етказган момо айна пайтда 18 нафар невар ва 49 нафар чевараси бағрида умргузаронлик қилаётган. Иккинчи жаҳон уруши заҳматларини чеккан, «Катта Фарғона» канали қурилишида қатнашган пире бадавлат онахонни маҳалладошлари «Че-

вар момо» деб ҳам аташади. Чунки у кашта, зардвор тикиш, кигиз босиш, гилам тўқишда моҳир. Ҳозир ҳам момо ёш оила бекаларига теридан супра тикиб беради.

«Қари билганини пари билмас» деган нақл бежиз айтилмаган, — дейди Катта совур шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Гулсара Маматқулова. — Шу боис ҳудудимизда истиқомат қиладиган 18 нафар ёши улуг отахону онахонлари йиғин қошидаги Яраштириш, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияларига бириктирилганмиз. Хусусан, Анор момо маҳалладаги барча юмушларга бош-қош. Комиссия аъзоси сифатида ўз ҳаёти, кўрган-кечирганлари, оиланинг муқаддаслиги ҳақидаги панду насихатлари билан ажрашиш оstonасида турган бир неча оилани яраштиришга ғўсса қўшди.

Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги арафасида Анор Маматалиева «Шухрат» медали билан тақдирланди.

ОНА ЗАМИН ИНЪОМЛАРИ

Кийик ўти юрак ва жигарга малҳам

Кийик ўти — табиат неъматларидан. Тоғ ёнбарларида ўсадиган бу ғиёҳнинг «кийик ўти» деб номланишига сабаб шуки, бурама шохлилар, тоғ эчкиси, кийик каби жониворлар айнан шу ўсимлик ўсган жойларда кўп учрайди ва, табиийки, у билан озикланади.

■ Шаҳина БОНУ
тайёрлади.

Кийик ўти зиравор сифатида турли таомларга қўшилади. Таркибда эфир мойлари, витаминлар ва одам танаси учун зарур макро ва микро элементлар мавжудлиги боис табобатда бўйрак, юрак, жигар ва ошқозон ичак хасталиқларини даволашда қўлланилади.

Ундан тайёрланган дамлама юрак иш фаолиятини яхшилайди, артериал қон босимини пастайтиради ҳамда пешобни хайдайди. Ўсимликнинг ер устки қисмлари — пояси, барги ва тўпуғлари таркибда 2,5 фо-

изгача эфир мойлари, С, Е, А витаминлари мавжуд.

Кейинги йилларда кийик ўтидан тадбиркорлар озиқ-овқат саноатида кенг фойдаланишаётган. Шу ўтдан тайёрланган — яхна ичимликлар чанқовбосди ва шифобахш хусусиятлари боис севиб истеъмол қилинаётган.

Бундан ташқари, кийик ўти турли фиточойлар таркибига киритилган. Ўсимлик солиб дамланган чойлар киши танасига роҳат бағишлайди, чанқоқни босади, овқатни яхши ҳазм қилади, қон босими ва юрак фаолиятини мўътадиллаштиради.

УНИВЕРСИТЕТ МАШҒУЛОТЛАРИДА

Очиқ мулоқот — муаммога энг яхши ечим

Оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарга қўмаклашиш, уларнинг ёш авлод тарбияси бўйича маънавий-ахлоқий ва ҳуқуқий билимларини бойитишда «Ота-оналар университети»нинг хизмати беқийс.

■ Моҳичехра ЛАТИПОВА
«Mahalla»

Мирзо Улуғбек туманидаги «Оламачи» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги жамоатчилик маскани ташаббуси билан уюштирилган тадбир аҳолининг тиббий маданиятини оширишга қаратилди. 4-сонли оилавий поликлиника шифокорлари, 148-умумтаълим мактаби ўқитувчилари, йиғиннинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, асосий йўналишлар бўйича комиссиялар аъзолари, фаоллар ҳамда ёш оилалар вакиллари қатнашган бу йиғин «Раҳит хасталигининг олдини олиш» мавзусига бағишланди.

Киш фаолиятида кўшнинг ультрабинафша нури камайиши боис раҳит касаллигининг юзага келиш хавфи ортади. У, асосан, уч ёшгача бўлган гўдақларда кузатилади. D витамини етишмаслиги оқибатида организмда фосфор-кальций алмашинуви жараёни бузилиб, суяк тўқимаси шикастланади. Чақалоқнинг бу хасталикка мойиллиги бор-йўқлиги-

ни 2-3 ойлигида аниқлаш мумкин. Уйқусининг тез-тез бузилиши, йиғилоқлиги, салга чўчиб тушиш, иштаҳаси йўқлиги, бошининг тепа қисми секинлик билан қотиши, терлаш, энсасида соч тўкилиши, сут тишининг кеч чиқиши айнан раҳит белгиларидир. Хасталик боланинг ривожланишига тўсқинлик қилади. Хусусан, му-



БАРЧИНОЙ ИЗДОШЛАРИ

Маҳорат ва матонати дунёни
ЛОЛ ҚОЛДИРГАН

Республика Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан яқинда Жанубий Кореянинг Инчхон шаҳрида бўлиб ўтган XVII Осий ўйинлари совриндорлари улкан ютуқларни қўлга киритган спортчи қизларни қутлаш маросими ўтказилди.

■ Шерзод ҚУРБОНОВ
«Mahalla»

Мазкур чемпионатда спортчиларимиз Ватанимизнинг халқаро миқёсдаги шон-шухратини янада юксалтириб, халқимизнинг қудрати ҳамда салоҳиятини намойиш этишди.

9 та олтин, 14 та кумуш ва 21 та бронза медали, жамоавий баҳслар бўйича жами 12 та олтин, 14 та кумуш ва 35 та бронза медали қўлга киритилди. Бу кўрсаткичлар юртимизда янги спортчилар авлоди шаклланишидан, келгусидаги марраларнинг

бундан-да юқори бўлишидан далолат. Кейинги йилларда тобора оммаланиб бораётган спортнинг нафис тури — бадиий гимнастика — саломатлик ҳамда гўзаллик омилли. Осий ўйинларининг жамоавий баҳсларида ушбу спорт турида энг жозибали чиқишлар тақдим этган Жамила Раҳматова, Рабия Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюковалар олтин медалга сазовор бўлишди. Шулар қаторида, енгил атлетикачиларимиздан Светлана Радзивил баландликда сақраш баҳсларида юқори натижа кўрсатиб, иккинчи бор Осий ўйинла-

ри қолибасига айланди, еттикураш баҳсларида Екатерина Воронина маҳоратда тенгсиз эканини исботлади. Шунингдек, спортчи қизлар — Юлия Тарасова, Надия Дусановаларнинг енгил атлетика, Маҳлиё Тоғаеванинг оғир атлетика баҳсларида қўлга киритган бронза медаллари давлатимиз томонидан аёллар спортга яратиб берилган кенг қўламли имкониятлар самараси, албатта.

Осий ўйинларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари Шоҳида Зоҳидова ҳамда Хуршида Ҳақимова ҳам муносиб иштирок этди. — Ушбу нуфузли мусобақада қатнашишнинг ўзи бахт, — дейди Ш.Зоҳидова. — Ватанимиз шаънини ҳимоя қилишдек шарафли туйғу менга бир томондан куч бағишласа, бошқа томондан масъулият юклайди. Осий ўйинларида мен синхрон сузиш бўйича биринчи марта Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилиб, фахрли ўринни қўлга киритдим. Келажакда орзуларим бисёр. Юртимиз спортчилари Олимпиада ўйинларида ҳали синхрон сузиш спортини бўйича иштирок этмаган. Мен ушбу спорт тури бўйича келгусида жаҳон ареналарида қатнашишни ният қилдим.

Юксак мақсадлар сари олға одимлаётган қизларимиз Ўзбекистон вакили сифатида дунёнинг қайси бир мамлакатига бормасин, аввало, ўзбек халқининг маънавий қиёфасини ҳам намойён этиши табиий.

Спортчи қизларимизнинг нафақат медаллар шодасига эга бўлиши, балки одоб-ахлоқ ва муомала маданиятида ҳам бошқа юртлардан келган тенгдошларидан ажралиб тургани Осий спорт федерацияси томонидан эътироф этилгани янада қўлини қўлади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхонова иштирок этди.

ХУШҲАБАР

Мухташам иншоот мустаҳкам маррага элтади

Нукс шаҳридаги 3-сонли олимпия захиралари спорт мактабининг қайта таъмирланиши учун Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ажратилган 1 млрд. 296 млн. сўм маблағ ҳисобидан қурилиш ишлари якунланди.

■ Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Спорт мактаби қошида ташкил этилган «Байтерек» маҳалласидаги иншоот

ҳам замонавий спорт инвентарлари билан таъминланди, маҳобатли залга 4 та кураш гилами тўшалди. Сув, иссиқлик тармоқлари, электр энергияси таъминоти қайта йўлга қўйилгани спортчи-

ларга қўшимча қулайликлар яратди.

Айни пайтда бу масканда 6 нафар мураббий бошчилигида 300 нафарга яқин ёш эркин кураш ва юнон-рум кураши бўйича машғулотларда қатнашмоқда.

Шунингдек, шаҳарнинг «Элобод» маҳалласида ҳам тўлиқ қайта таъмирланган спорт заллари зарур жиҳозлар билан таъминланди.



Ижро рад этилди

Қатар юқори мартабали расмийлари мамлакат Суриядаги «Исломий давлат» каби экстремист гуруҳларга молиявий қўмак бераётгани ҳақидаги иддаоларни рад этган.

Уларнинг фикрича, Қатар марказий жосуслик агентлиги бошқа Фарб ва Араб махфий хизматлари билан ўзаро мувофиқлашган ҳолда фақат мўътадил гуруҳларни қўллаб-қувватлайди. «ВВС»га билдирилишича, молиявий тизимларга қаттиқ назорат ўрнатилган.

Илгари Қатарнинг Суриядаги гуруҳларни молиявий қўллаб-қувватлаш билан таъминлагани, айна пайтда Доха Ал-Қоида-нинг бўлими ҳисобланган Ал-Нусра жаҳбаси билан алоқаларга эгалиги айтилган.

Қатар «Исломий давлат»га қарши ҳарбий амалиётларни



қўллаб-қувватламоқда. Минтақадаги барча ҳужумлар ва кузатув амалиётлари ҚАШ Марказий штаби билан мувофиқлаштирилган тарзда олиб бориладиган «Ал-Удайд» ҳаво базаси ҳам амирликда жойлашган.

Рентген ошқор қилди

Доминикан Республикаси ҳаво қўналғаси нарकोполицияси ўн минглаб еврони чегарадан олиб ўтишга уринган хорижлик йўловчи аёлини қўлга олди.



«The Dominican Today» нашрида ёзилишича, 40 ёшли гумонланувчининг ҳазм органидаги 16 та капсуладан 55 минг 500 евро чиққан. Контрабанда амали рентген аппарати ёрдамида қайд этилган. «AsiaOne» саҳифасида маълум қилини-

шича, келиб чикиши асли доминиканлик бўлган Испания фуқаросининг жомадонидан яна 54 минг 602 евро топилган.

Аёлининг ёнидаги пулларнинг умумий миқдори қарийб 140 минг АҚШ доллари бўлган. Бироқ мамлакат қонунчилигига қўра фақат 10 минг АҚШ долларга яқин пулнинг декларацияси олиб кириши мумкин.


Аёл наркомания билан алоқадорликда, пуллар эса Европада жўнатиш учун наркотиклар харид қилишда қўлланиладиган восита, деб гумон қилинмоқда.

Илк сунъий ошқозон

Америкалик олимлар лаборатория шаронтида илк бор инсон ошқозонининг тўлақонли тўқимасини ўстиришди.

«Nature» журналида эълон қилинган тадқиқот натижаларига қўра, мазкур тўқиманинг яратилишига пюротент таначалари асос бўлди. Уч баробар кичкина «мўъжаз ошқозон» (ошқозон органонидлари) дори ва оғриқни қолдирувчи воситаларнинг танага таъсирини тадқиқ қилишга қўмаклашади.

Ошқозонни тана эмбрионидан ривожлантириш учун биолог олимларга икки йил керак бўлган. Сўнгра тадқиқотчилар «ошқозонга гастрит, ошқозон ва ўн икки бармоқ ичақдаги ярани ривожлантириш билан алоқадор «Helicobacter pylori» бактерияси микробларини юқтиришган. Бор-йўғи бир кеча-кундуз давомида мазкур бактерия сунъий тўқимادا табиий биохимиявий реакцияга киришган: инфекция тезда эпителия бў-



йича тарқалган ва «с-Met» деб номланувчи саратон генини фаоллаштирган.

Шунингдек, органонидлардан қандли диабет ва бошқа хасталиқларнинг биохимиясини ўрганишда ҳам фойдаланиш режалаштирилган. Бундай тадқиқотларни хайвонларда ўтказиб бўлмайди. Боиси ўзининг анатомия ва физиологияси бўйича уларнинг ошқозони инсонникидан тубдан фарқланади.

■ Интернет материаллари асосида
Н. АСЛОН тайёрлади.

Донорлар бисотидан

Саврнинг иши битир

Бир ёмон сўз жонга илон нишидир,
Чақса, заҳри осон чиқмас танинган.

Ёлғончига дўзах ичра қуймоқ бор,
Билиб ёлғон сўзини айтгўвчи бўлма.

Оғзи қулган, дили нопок номарда,
Қардош бўлма, йироқ айла ўзингни.

Қўлдан келар яхши ишинг бўлмаса,
Кўнгни ичра яхши ният яхшидир.

Китоб кўрган киши маънидан тўқдир,
Маърифатни қалбада шайтон бўларми?

Кеч ёмон феълдангун доим пушаймон айлагин,
Эътиборингга муносиб хайру эҳсон айлагин.

МАХТУМҚУЛИ

Mahalla

ижтимоий-сиёсий, иқтисодий,
маданий, маърифий газета

Бош муҳаррир

Бахтиёр АБДУСАТТОНОВ

Телефонлар:

Қабулхона: 233-39-89, Котибият: 233-44-25, Фуқаролик жамияти институтлари билан ишлаш бўлими: 199-84-32, Иқтисодий ва ҳуқуқ бўлими: 199-83-46, Маънавият ва спорт бўлими: 199-84-23, Факс: 233-10-73



ISSN 2010-7038

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди, офсет усулида босилди. Формати — А-2, 4 босма табоқ.

Саҳифаловчи: С.Турдали ўғли
Муваҳхих: Н.Азимова
Навбатчи: Т.Низоёмов
Нашр навбатчиси: М.Латипова

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Индекс: 100083

«Ўзбекистон» НМИУ босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили:

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Баҳоиси келишилган нарҳда.



Муассис: Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2013 йил 12 апрелда 0019 рақами билан қайта рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

20090 нусхада чоп этилди. Буюртма S-1288

Тошириш вақти — 21.00

Тоширилди — 21.00